O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 29-mart, chorshanba * № 13 (1024) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www hurriyat.uz

## ПОЧТА – ишончли алоқа тармоғи

Мамлакатимизда инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ соҳаларга алоҳида эътибор берилаётгани барчамизни қувонтиради. Шулардан бири почта хизмати бўлиб, у халқимизга энг яқин кўмакчи соҳа ҳисобланади.

➪ 3-бет

## СУНЪИЙ АҚЛ ЯРАТИЛДИ

“Microsoft” компанияси яқинда “ВО 365”нинг “Корректор” номли турли вазифаларни бажарувчи янги пакетини ишлаб чиқарди. У сунъий ақл ёрдамида ишлайди. Корректор панели стандартдаги “имло ёзиш” панели билан алмашади.

➪ 5-бет

## ҲУР ФИКР ТАРАННУМИ

ХХ аср ва истиқлол даври ўзбек болалар адабиётини Анвар Обиджон ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. У ҳар қандай мавзуни ёритишда бола қалбига мос оҳанг топадиган, давр руҳини акс эттириб, айни пайтда асарига қизиқарли услуб, ўзига хос жило бера оладиган шоир, адиб ва драматургдир.

➪ 6-7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 март куни Навоий вилоятига келди.

27 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 март куни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Польша Президенти Анжей Дуда ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бир-бирларини қутладилар.

27 март — Халқаро театр куни юртимизда кенг нишонланди.




➧ ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ



# ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ ВА САЛОБАТЛИ

**Баланд ва кўркам бинолар, сўлим боғлар, кенг ва равон кўчалар замонавий шаҳар қиёфасини қанчалик даражада белгилаб берса, кишилар узоғини яқин қилувчи кўприкларнинг аҳамияти ҳам шунчалик каттадир.**

Юртдошларимиз турмуш даражасининг юксалаётганига монанд равишда сони ортиб бораётган транспорт воситаларининг қулай ҳаракатланиши, кўчаларимизда тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида энг замонавий архитектура талаблари асосида бунёд этилаётган кўприклар шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Хусусан, жаҳоннинг энг йирик ва чиройли мегаполисларидан бирига айланаётган Тошкент шаҳрида кўплаб кўприклар барпо этилмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг гавжум гўшаларидан бири — Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилиб фойдаланишга топширилган замонавий кўприк ҳам аҳоли учун янада кенг қулайликлар яратиш, транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг ёрқин намунаси бўлди.

Узунлиги 900, баландлиги 6, кенглиги 24 метр бўлган 6 полосали мазкур кўприк автомобиллар ва пиёдалар ҳаракатига анча қулайликлар яратади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли “Кўприк қурилиш тресті” унитар корхонаси қурувчилари томонидан қуриб битказилган кўприкнинг икки томонида пиёдалар учун ер усти ўтиш йўлаги барпо этилган. Ёғин-сочинли кунларда ҳимояланиш мосламалари ўрнатилган.

Айни Наврўз кунлари фойдаланишга топширилган мазкур иншоот халқимизга айём туҳфаси бўлди.

**Нигора ТОШЕВА**

# МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ –

## навбатдаги босқич, янги вазифалар

➧ ДАВРА СУҲБАТИ

Маҳалла минг йиллар давомида шаклланган, халқимизнинг ўзига хос қиёфасини кўрсатиб турадиган ноёб ижтимоий тузилма. Бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб яшаш, яхши ва ёмон кунларда бирга елкадош бўлиш сингари инсонга хос фазилатлар айнан маҳаллада таркиб топади.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган маҳалла институти ҳақида гап кетганда айтиш мумкинки, қадим-қадимдан халқимизнинг миллий турмуш ва тафаккур тарзига айланиб кетган жамоа бўлиб, бир маҳалла бўлиб яшаш туйғуси ижтимоий ҳаётнинг ҳам узвий қисми сифатида катта бир маънавий қадрият деб қаралган. Биргина тўйларимизни олиб қаранг... Маҳаллада бир киши тўй қилади, меҳмонларни бутун маҳалладошлар кутиб олади, меҳмон қилади, кузатиб қўяди. Ёки узоқдан тўйга келган меҳмонлар учун маҳалладошлар қўноқ тайёрлайди. Минг йиллардан буён анъана тусини олиб келаётган миллий қадриятимиз — ҳашарга эътибор қаратинг. У асосан маҳаллаларда ўтказилади. Бир қарашда оддий тадбир бўлиб кўринган ҳашар, одамларни бирдамликка, ҳамжиҳатликка чорловчи ва ана шу аҳилликнинг ҳосиласи нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини англатиб турувчи ўзимизга хос ажойиб анъана, аслида. Бунинг замирида бир ёқадан бош чиқариш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир-бирига ёрдам бериш сингари халқимизга хос улуғ фазилатлар ётади. Хуллас, маҳалла ўзбекона яшашнинг ҳаётий инъикосидир.

Газетамизнинг бугунги сонида ушбу муҳим Фармоннинг мазмун-моҳияти, унинг аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзолари билан суҳбат қилдик.

2 ➤➤

*Ҳурматли муштарийлар,*

**2017 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat”да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.**



**“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**

# НАМАНГАНДА НАВРЎЗ САЙЛИ

➧ ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН



Бу йилги Наврўз юртимизнинг ҳамма гўшаларида халқ сайли тарзида, ўзгача шукуҳ, тароват билан ўтганини Наманган вилоятида бўлиб, байрамларда қатнашиб, ишонч ҳосил қилдик.

Пойтахтдан борган маънавий-маърифий тарғибот гуруҳимиз етти киши: икки шоир, икки актёр, бир олим, бир публицист, бир ўқитувчидан иборат эди. Водий вилоятларига борадиганлар ичида поездда кетишга иштиёқмандлар кўп экан.

8 ➤➤

13 (1024)
/2017-yil
29-mart/

# МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ –

## навбатдаги босқич, янги вазифалар





**Акмал САИДОВ, қўмита раиси:**

— Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла институтига давлат ва жамият бошқарувида уларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган кўплаб амалий ишлар қилинди. Жамиятнинг асосий ахлоқий пойдеворларидан бири бўлган маҳалланинг мавқеини ошириш, ваколатларини кенгайтириш билан боғлиқ бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиши мустаҳкамланиб, конституциявий мақомга эга бўлди. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Алоҳида таъкидлаш керак, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 3 февраль куни қабул қилинган “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон қадриятлар бешиги саналмиш миллий демократик институт бўлиши маҳаллаларнинг ролини янада кучайтириш, уларнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш борасида муҳим аҳамиятга эгадир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“қайси маҳаллада иш тўғри ташкил этилиб, фуқаролар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлса, ўша ерда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм сурмоқда, нохуш ҳолатларга йўл қўйилмаяпти”**. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ва тизимли ислоҳотларнинг ҳозирги шиддатли босқичида маҳаллаларни янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давр тақозосидир.

**Биринчидан,** “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари асосида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган.

**Иккинчидан,** бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бундай кескин ва таҳликали шароитда маҳалла-кўй ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик билан биргаликда бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада ошириши лозим.

Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшларнинг оиладаги хулқ-атворидан тортиб, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги таълим-тарбияни ҳам қамраб олган ҳолда, изчил жамоатчилик назоратини олиб бормоғи талаб қилинади. Шу боис фармонда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолоти йўлида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашига йўналтирилган масалалар ўз аксини топди.

**Учинчидан,** фармонда фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир амалий чоралар ҳам белгиланган. Яъни фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш мақсадида **2017 — 2021 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурлар** ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Маҳаллалар кесимида, чуқур таҳлил асосида, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусият ва имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда тайёрланадиган ушбу дастурларнинг жойларда тўлақонли бажарилиши маҳаллаларнинг ҳар томонлама обод ва фаровон бўлишини таъминлайди.

Маълумки, кейинги беш йилда фуқаролар йиғинларининг 1600 га яқин хизмат бинолари жорий, 367 таси капитал таъмирланди ва 350 дан ортиғи реконструкция қилинди, намунавий лойиҳалар асосида 216 та бино янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Фармонда кўрсатилганидек, 2018 йилнинг 1 декабрига қадар туманлар ва шаҳарлар марказларида **“Маҳалла маркази”** мажмуалари биноларининг намунавий лойиҳалар асосида барпо этилиши бу каби муаммоларнинг ечим топишига олиб келади.

**Тўртинчидан,** фармонда маҳалла фуқаролар йиғинларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш бўйича мустақиллигини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш тизимида ортиқча бўғинлардан воз кечиш мақсадида — таркибида маҳаллалар тузилган шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларини маҳалла фуқаролар йиғинларига бирлаштириш ва бўлиш йўли билан қайта ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилган.

**“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”**да Президентимизнинг ушбу фармони қабул қилингани маҳаллалар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Энг муҳими, фармонда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва юксак самарадорлик билан ҳаётга татбиқ этилиши, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маҳаллаларнинг жойларда халқнинг маслакдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, **“адолат тарозиси”**га айланишини таъминлайди.



**Баҳром ОБИДЖОНОВ, қўмита аъзоси:**

— Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улар ўзининг анъанавий вазифалари билан бирга маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифаларни бажариб келмоқда. Бу вазифалар маҳалла раиси ҳамда фаоллардан кучли билим ва салоҳият, бой тажриба ва маҳорат, замонавий бошқарув механизмларини пухта ўзлаштира оладиган, халқни ишончини қозона олган, том маънодаги юқори малакали профессионал кадрларни талаб қилади.

Албатта, бу вазифаларнинг масъулияти ва залвори нечоғлик юқори бўлмасин, маҳалла институти вакиллари оилалар, кексалар, ёшлар билан ишлашда, тадбиркорликни ривожлантиришда асосий куч бўлиб майдонга чиқди.

Президент фармонида белгиланганидек, Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида” қабул қилинди.

Унда маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилган:

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларни жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш;
- жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва нуфузини янада ошириш;
- ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёш авлодни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;
- жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, маҳалла тизимида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш.



**Абдуллажон ҲАМРАҚУЛОВ, қўмита аъзоси:**

— Алоҳида таъкидлаш керак, эзгу қадриятлар ва миллий анъаналар бешиги бўлган маҳалла тарбия ўчоғи сифатида қаралади. Маҳалла шундай ноёб ва таъсирчан, бугун кўплаб хорижий мамлакатларнинг экспертлари томонидан ҳам муносиб эътироф этилаётган ижтимоий бошқарув усули тизимидир. Айни пайтда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалла таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Кўп минг йиллик тарихга эга халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда бу маскаННинг ўрни ва аҳамияти катта. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланди. Ва бу тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.

Президентимизнинг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу йўлда жуда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Мазкур фармоннинг ниҳоятда муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига юридик шахс мақомини берган ҳолда уни фуқаролар йиғинларининг уюшмаси шаклида ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарларда тузилган кенгашларни эса Республика кенгашининг таркибий тузилмалари сифатида ташкил этиш белгиланди.

Кенгашларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, жойларда аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари эътиборига етказиш ва мазкур масалаларни ҳал этиш бўйича уларнинг бевосита иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига тегишлича Республика кенгаши, ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қилиш вазифаси юклатилди.

Кенгашлар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида “Маҳалла” фондининг тегишлича Республика бошқаруви ҳамда ҳудудий бўлим ва бўлинмаларига раислик қилишлари белгилаб қўйилди.



**Иброҳимжон ХОДЖИЕВ, қўмита аъзоси:**

— Фармонда ижтимоий муҳим масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида кенгашлар коллегиал органлари таркибига тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасаддилари, жумладан, молия, ички ишлар, меҳнат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбар ходимларини киритиш мўлжалланмоқда.

Қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаши таркибига фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарларини (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини), ҳудуддаги профилактика инспекторларини, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оилавий поликлиникалар) раҳбарларини киритиш ва уларнинг ўз фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га ҳисобот тақдим қилишлари амалиётини жорий этиш ҳам белгилаб қўйилди.

Фармон билан кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш борасида **37 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган комплекс чора-тадбирлар дастури** тасдиқланганлиги эса бу борадаги ишларни аниқ ва пухта ташкил этишга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла институти бугун том маънода жамият ва давлат ижтимоий ҳаётининг энг жўшқин, фаол, қайноқ ва жонли масканига айланиб бормоқда. Мазкур фармон фақат халқимизгагина хос бўлган ноёб ва бетакрор ижтимоий тузилма – маҳалла институтининг фаолиятини, ўрни ва нуфузини янги бир босқичга кўтарилишида муҳим амалий аҳамият касб этади.

*Давра суҳбатини журналист*
**Арслон ЭШМУРОДОВ “Hurriyat” газетаси учун тайёрлади.**

**АГАР ОГОҲСЕН...**

Юртимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш вазифаларига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, профилактика, тезкор-қидирув, терговь, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш, патруль-пост хизматлари, алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилиб, ички ишлар органларининг моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланмоқда.

# ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ОШМОҚДА

Шу йилнинг февраль ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ички ишлар органлари иштирокида ўтказилган видеоселектр йиғилиши ҳар бир ички ишлар ходими учун ўз фаолиятига холис баҳо бериш билан бирга, тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларни таҳлил қилиб, зарур хулосалар чиқариш учун катта имконият яратганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, бугунги кунда танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак. Ҳозирги тезкор даврда жамиятдаги муаммоларни кабинетда ўтириб эмас, балки халқ орасида юриб аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш, якуний натижа учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, фуқаролар мурожаатларини қисқа муддатларда ҳал қилиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш ва бундай иллатлар илдизини қуритиш – ички ишлар органларининг устувор вазифаси эканлигига ишонч ҳосил қиляпмиз.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси ташаббуси билан Тошкент вилояти Пискент тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро қўриқлаш бўлими ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, унда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳар бир оила, ҳар бир инсон, маҳалла хавфсизлигини таъминлашдек мураккаб, айни вақтда шарафли вазифани бажариш учун бор билим ва куч-ғайратни сафарбар этиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ҳудудда фаолият юритаётган банклар, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган йиғилишларда ҳам бундан буён фаолиятимизни янада жонлантириш, бу борада аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил этиб, уларни қизиқтираётган саволларга ўз вақтида жавоб бериш ғоятда муҳим масала эканлиги аён бўлмоқда. Зеро, самимий руҳда ўтказилаётган бундай мулоқотлар қўриқлаш бўлими ходимларининг ўз касбига бўлган ҳурмати ва садоқатини янада мустаҳкамлайди. Энг муҳими, ҳар бир ходим тинчлик ва осойишталикни таъминлаш энг шарафли вазифалардан бири эканини янада теранроқ англайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳудудда фаолият юритаётган йирик савдо шохобчалари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, тиббиёт масканлари, масъулияти чекланган жамиятларига сифатли видеокузатув камералари ўрнатиш, ёнғиндан сақлаш ва қўриқлаш техник воситалари билан жиҳозлаш, техник қўриқлаш пункти қўриқловига топшириш масалаларида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари асло сусайтирилгани йўқ. Бу эса фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, мулкий ҳамда босқинчилик, талончилик жиноятлари содир этилишининг олдини олишда катта самара бермоқда.

**Ҳусниддин ЖАЛИЛОВ,
Пискент тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро қўриқлаш бўлими бошлиғи, капитан**

# ОСОЙИШТАЛИК –

## улуғ неъмат

**ТАДБИР**

Маҳаллаларимиз осойишталигида милиция таянч пунктларининг ўз ўрни бор. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ички ишлар органлари ходимлари билан аҳоли ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч ва очиқликни таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари, милиция таянч пунктлари, “Маҳалла посбони” каби институтлар ташкил этилгани юртимизда тинч-осуда ҳаёт таъминланишига хизмат қилаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб, соҳа ривожи учун зарур тавсияларни ҳам берди.

Сўнгги йилларда юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Бунда бир қатор қонунлар ва ҳуқуқий меъёрларнинг ўзига хос ўрни бўлиши баробарида, соҳа ривожида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари» кўрик-танловининг ҳам аҳамияти беқиёс.

Яқинда пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева, ички ишлар вазири А.Азизов ва бошқалар қатнашиб, давлатимиз раҳбарининг соҳага бўлган эътибори хусусида тўхталиб ўтдилар.

Албатта, танловнинг республика босқичига етиб келишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун вилоят, туман босқичларидан ўтиш даркор. Ана шу йўлни босиб ўтган муносиб номзодларгина республика босқичида беллашадилар. Танловнинг республика босқичида ички ишлар органларининг 14 таянч пункти ўзаро баҳслашди. Натижаларга кўра, Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги Алишер Навоий маҳалласидаги 199-таянч пункти, Фарғона вилояти Марғилон шаҳри Гўраввал маҳалласидаги 79-таянч пункти, Қарши шаҳар Гулшан маҳалласидаги 20-таянч пункти, Жиззах тумани Қаҳрамон маҳалласидаги 38-таянч пункти ғолиб деб топилди. Улар диплом ва “Матиз” автомобиллари билан тақдирланди.

Танловнинг иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳамда “Энг маҳоратли профилактика инспектори”, “Ёш авлод ҳимоячиси”, “Энг обод ва осойишта маҳалла раиси”, “Фидойи маҳалла посбони”, “Маърифатпарвар маслаҳатчи” каби номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

– Юртга хизмат қилишдек бахт насиб этганидан жудаям хурсандман, – дейди Пайариқ туманидаги Алишер Навоий маҳалласидаги 199-таянч пункти профилактика инспектори Аслиддин Муродов. – Яқинда Президентимиз ҳамкасбларимиз билан учрашиб, соҳа вакилларига бир қатор вазифалар юклаб, тегишли тавсиялар берган эди. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ходим ўзига тегишли хулосаларни чиқарди. Бугунги эътибор ва рағбат эса бизни янада руҳлантириб, кучимизга куч қўшди. Халқ ишончини оқлаб, боримизни бериб ишлашга тайёрман.

Тадбирда таниқли санъаткорлар, ИИВ маданият саройи ашула ва рақс ансамблининг чиқишлари қатнашчилар кўнглини хушнуд этди.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.**

**ФАОЛИЯТГА БИР НАЗАР**

# ПОЧТА — ишончли алоқа тармоғи

Мамлакатимизда инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ соҳаларга алоҳида эътибор берилаётгани барчамизни қувонтиради. Шулардан бири почта хизмати бўлиб, у халқимизга энг яқин кўмакчи соҳа ҳисобланади. Бугунги кунда нафақат ҳудудларимиз, балки халқаро почта жўнатмаларининг алмашинувини яхшилаш, мижозларга қулайлик яратиш, янги хизмат турларини меъёрий ҳужжатлар асосида аҳоли ва корхоналарга тақдим қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани диққатга сазовордир.




Ҳар бир ишда муваффақиятга эришиш учун энг аввало, қулай муҳит керак. Бу ишлашинг, фикрлашинг, янгиликлар яратишингга мустаҳкам замин бўлади. Янги почта хизматлари ва ахборот технологияларини амалиётга кенг жорий этаётган «Ўзбекистон почтаси» юк ва жўнатмаларни ташиш бўйича жуда катта имкониятга эга. Айни пайтда почта алоқаси тизими уч мингдан ортиқ алоқа объектларини ўз ичига олган бўлиб, 34 авиа, 1 темир йўл, 485 автомобиль маршрутлари орқали жўнатмаларни узлуксиз равишда ташишни таъминлаб турибди. Шунингдек, тўқсондан ортиқ давлатлар билан халқаро почта жўнатмаларининг алмашинуви йўлга қўйилган. Электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида Интернет дўконлар орқали буюртма берилган товарларни мижозларга етказиш учун бир неча корхоналар билан ҳамкорликни давом эттирмокда. Мазкур жамият тасарруфида 4061 та компьютер ва сервер, 2212 та принтер, 2449 UPS, 140 та факс, 452 нусха кўчириш аппаратлари мавжуд бўлиб, 1545 та почта алоқаси бўлимлари компьютерлаштирилган. Иш жойларини автоматлаштириш орқали хизмат сифатини ошириш, мижозларга қулайликлар яратиш учун электрон пул ўтказмалари, пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати, рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини мониторингини олиб бориш ва тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари яратилган. Бу почта алоқаси хизматидан фойдаланувчиларининг сафини кенгайтириб, мазкур соҳа ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили 28 миллиондан ортиқ хат-хабарлар, 195 мингдан зиёд посилка, 1,2 миллиондан ортиқ почта пул ўтказмалари, 31,2 миллиондан зиёд нафақа ва даврий нашрларнинг 96,8 миллион нусхалари етказиб берилади. Таққос учун: ўтган йили аҳолига ҳажми 71 615,1 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич юқори даражада яъни, ҳисобот даврида мўлжалланган 692,3 миллион сўмлик хизмат ўрнига, 1 659,4 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиши кутилмоқда. Бу почта корхоналарининг ривожига улкан ҳисса қўшади, албатта.

## ЭЛ МАНФААТИ БИЛАН БАРҚАРОР

«Ўзбекистон почтаси» компьютерлаштирилмаган ва маълумот узатиш каналлари билан боғланиш имконияти бўлмаган алоқа бўлимларида қабул қилинган электр энергияси ва газ тўловлари ҳақидаги маълумотларни биллинг тизимига боғланган объектлари орқали амалга оширмоқда. Жумладан, «Ўзбектелеком»нинг биллинг тизимига 168 та почта алоқа объектлари боғланган. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Электрон пул ўтказмалари», «Тўловларни қабул қилиш» тизимларида 2256 та электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитлари амалда фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, почта жўнатмаларини мониторинг қилиш тизимига боғланган почта объектларини штрих код технологиялари билан таъминлашга киришилгани маълумотларни олиш тезлиги ва иш самарадорлигини янада оширмоқда.

Почта ходимлари томонидан пул тўловларини қабул қилиш ишларини мобиль терминаллар орқали амалга ошириш имконини берувчи яна бир янги дастур — тўловларни мобиль қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизимига асос солинаётгани мижозлар учун қулайлик яратади. Почта алоқа бўлимлари «Электрон ҳукумати» тизимига боғланиш мақсадида «Инфокиоска»ларни ўрнатиш борасида ҳам тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Бундай тизимлардан фойдаланилаётгани ички ва халқаро миқёсда электрон савдони ривожлантириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўлов терминалларини ўрнатиш, хўжалик субъектларининг тўлов тизимларига мувофиқ ахборот тизимларини жорий қилиш ва такомиллаштириш бўйича логистик хизматларни шакллантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу мижозларни ўзига жалб этиб, янги лойиҳалар устида ишлашга ундамоқда. Қувонарлиси, жорий йилнинг 15 мартидан Ички ишлар вазирлиги томонидан комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилиб, унда йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар солиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиб олиш, қоғозга кўчириш ва етказиб бериш, шунингдек, етказиб берилганлиги тўғрисидаги ахборотларни айрибошлашни почтамизнинг техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таъминлашга киришилди. Соҳадаги бундай ўзгаришлар, жўшқин жараёнларни кузатиб, ҳайратга тушамиз. Кечагина оғиримизни енгил қилиш учун қишлоқма-қишлоқ оралаб юрган почтачиларимиз бугун замонавий алоқа тармоқлари орқали дилларни дилларга, элларни элларга боғлаб келмоқда.

## ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Юртимизда акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш ва очиқлигини таъминлаш, хорижий инвесторларни жалб қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу албатта, почта алоқаси хизматида замонавий жиҳоз ва ускуналар асосида хизмат кўрсата оладиган маҳоратли, юксак савияли мутахассисларга боғлиқ. Жорий йилда корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази билан ҳамкорликда почтанинг ўттиз тўрт нафар ходими «Чет эллик таъсисчиларни акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувидаги иштироки», «Акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимига маркетинг ва сотувлар бўйича менежерларни жалб этиш» мавзуларида ташкил этилган курсларда малакасини ошириб келишди. Кузатув кенгашининг аъзоларидан тўрт нафари «Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва тамойиллари» йўналишида билимини қайтадан синовдан ўтказди. Шу ишларнинг бевосита давоми сифатида 2019 йилгача почта алоқасини ташкил этиш, иқтисодий, ҳуқуқий ва ахборот коммуникация технологиялари негизида янги хизматларни кўрсатиш мақсадида 17 000 нафар ходимнинг малакасини ошириш режалаштирилгани қувонарли ҳол. Бундан ташқари, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида почта алоқаси объектларида босқичма-босқич таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланиб, дастурий таъминотлар етказиб берилмоқда. Почта ривожи учун яратилаётган бундай шароитлар чет эллик ҳамкорларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Ўтган йили Корея томонидан "Ўзбекистон почтаси"нинг бўлимларини автоматлаштириш ўрганиб чиқилгани истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим ўрин тутди. Музокаралар натижасида томонлар Ўзбекистон почта хизматини ривожлантиришда ҳамкорликда ишлаб чиқилган почтанинг модернизациялаш лойиҳаси ўзига хос "йўл харитаси"ни бажаради. Лойиҳанинг босқичма-босқич амалга оширилиши почта амалиётлари сифатини сезиларли даражада ошириш, почта логистикаси тизимини яхшилаш, янги почта хизматлари ва ахборот технологияларини кенг жорий қилиш имконини беради. Бундан ташқари, Бутунжаҳон почта иттифоқининг Халқаро пул ўтказмалари хизмати — IFS молиявий тизим орқали Украина, Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Молдова, Озарбойжон, Арманистон, Қирғизистон давлатлари билан ҳамкорликда «Электрон пул ўтказмалари» хизмати кўрсатиб келинаётганини ифтихор билан айтиш мумкин. Шу кунларда курьерлик фаолияти билан шуғулланувчи «SF Express» нуфузли Хитой компанияси билан республикамиз орқали Хитойдан Россияга почта жўнатмаларини транзит етказиш ишлари кўриб чиқилмоқда. Бу Хитой компанияси томонидан «Ўзбекистон почтаси»нинг сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари юқори даражадалигига ишонч билдирганидан далолат беради.

## МАТБУОТИМИЗНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

Газета нашри ва уни тарқатиш жуда қийин ва бир неча босқичли жараён. Меҳнат ва харажатнинг катта қисми шунга сарфланади. Обуначилар камайиб кетаётган бир пайтда даврий нашрларни тарқатилишини таъминлаш, газета ва журналларни республикамизнинг барча гўшаларига қисқа муддатда етказиб бериш почта корхоналарининг долзарб вазифаларидан биридир. Зиммасидаги шундай катта масъулиятни бажариши учун 4 авиа, 389 та автомобиль почта ташиш йўналишлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Икки юздан ортиқ бориш қийин бўлган ва чекка аҳоли пунктлар учун почта алоқасининг анъанавий хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган. Даврий нашрларни етказиш бўйича 20 та кўчма почта алоқа бўлимлари, 5 829 та участка ташкил этилган бўлиб, унда тўрт мингдан ортиқ почтальонлар барча ҳудудларда яшовчи аҳолига почта хизматларини кўрсатиш билан бирга, даврий нашрларни обуначиларга етказиб келмоқда. Жамият томонидан уларга 2371 та велосипед ажратилган. Автопаркининг ўзи 521 та автомашинани ташкил этади. Эътиборли томони шундаки, обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида почта тасарруфида «Матбуот тарқатиш» филиали ташкил этилган бўлиб, таҳририятлар билан тўрт юздан ортиқ даврий нашрлар учун тўғридан-тўғри шартномалар тузилмоқда. Бу нашрларнинг нархларини имкон қадар арзон бўлиши, етказиб бериш нархлари ҳам сарф-харажатларни инобатга олган ҳолда ҳисобланишига имкон яратмоқда. Бу йил ҳам ҳар бир вилоят учун алоҳида обуна каталоги ишлаб чиқарилди. Барча почта алоқаси объектларида даврий нашрларнинг 2017 йил обунаси қабул қилинмоқда.

## МАРКАЛАРДА ВАТАН СИЙМОСИ

«Ўзбекистон маркаси» ўз навбатида, почта алоқасининг хизматлари учун давлат тўлови ҳисобланади. Жамият томонидан ҳар йили 35-45 тадан зиёд бадиий ва стандарт почта маркалари чиқарилиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қарори билан муомалага киритилади. Ўзимизда чиқарилаётган почта маркаларини шаҳардаги махсус почта бўлимлари, филиалларидаги киоскалардан харид қилишимиз мумкин. Маданий ҳаётимизни ўзида мужассам этган почта маркаси истиқлолимизнинг дастлабки йилларида атоқли шоирамиз Нодирабегимнинг 200 йиллигига бағишлаб чиқарилган бўлса, кейингилари мамлакатимизнинг тарихий обидалари, маданият ва фан арбоблари, халқимиз эришган ютуқлар билан уйғунлашиб кетгани дилларга сурур бағишлайди. Айниқса, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хивадаги тарихий обидаларга бағишланган почта маркалари тўпламидан иборат сувенирлар сотувга чиқарилгани чет эллик сайёҳларни ҳам эътиборини тортмоқда. Ҳозирга қадар чоп этилиб, муомалага киритилган бадиий ва стандарт почта маркаларининг келиб чиқиши, уларга тегишли қисқача тавсифлар, тартиб рақамлар, номлар, чиққан саналар, рассом ва дизайнерларнинг номлари, маркаларнинг кўриниши, қийматлари, алади, ўлчамлари ҳақидаги маълумотлар тўрт томли почта каталоглари тўпламига киритилган. Бу маркалар аҳолини почта хизматига бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки ватанимизнинг ташриф қоғози сифатида байналмилал дўстларимиз сафини кенгайтирмоқда. Энг муҳими, мамлакатимиз почта алоқаси хизмати мустақиллигини елкасида тутиб турган замондошларимиз эришаётган ютуқлар соҳа равнақига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

**Адиба УМИРОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

# БУВИЖОНЛАРИМИЗ ХУРСАНД

**АҲОЛИ МАНФААТИ ЙЎЛИДА**

— Ассалому алайкум, бувижон. Яхши дам олдингизми? Нега хомуш кўринасиз?

— Ваалайкум ассалом, болам. Йўғе, яхшиман, Аллоҳга шукр. Шунчаки, пенсиям келмадимикан, бугун ҳам қандай бориб келарканман шунча жойга, навбатда туришга ярармикинман, деб ўйлаб ўтирибман. Унинг устига пластик картадан фойдаланишни ўрганмадим-ўрганмадим-да. Бозордан ул-бул керак эди. Яна сени овора қиламан, шекилли.

— Вой бувижон, нималар деяпсиз? Овораси йўғ-у, аммо энди сиқилишингизга ҳожат ҳам қолмади. Пенсиям келдими, келмадими, деб сўраб ҳам ўтирмайсиз. Почтага бориб юришингизнинг ҳам ҳожати йўқ. Мана маҳалламиздан яқинда "Халқ банки"нинг махсус кассалари учун алоҳида хона ажратилар экан. Шу ердан пенсиянгизни нақд пулда олаверасиз.

Пластик картадан фойдаланиш борасидаги муаммолар, иш ҳақи ва пенсия, стипендияларнинг ўз вақтида берилмаслиги, жойларда юзага келаётган ноқулай вазият, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига соҳага оид келиб тушган мурожаатларга асосан, жорий йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унга кўра барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда, талабаларга эса стипендияларнинг камида эллик фоизи нақд шаклда берилиши белгилаб қўйилгани мавжуд муаммоларни бартараф этишга замин ҳозирлади.

— Ушбу қарор асосида пенсионерлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ишончли ва самарали ҳимоя қилиниб, пенсия ва нафақаларни асоссиз равишда пластик карталарга ўтказишнинг олди олинди. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишида қонунчилик нормаларига амал қилиниши Бош прокуратура томонидан қатъий назоратга олиниши қайд этиб ўтилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Зиёдуллаев. — Қарор ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида, Пенсия жамғармаси томонидан ҳар ойнинг йигирманчи санасига қадар пенсия ва нафақалар учун маблағ тўлиқ молиялаштириб берилади. Пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилаётгани мониторинг қилиб борилади.

Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун Ўзбекистон Президенти томонидан 13 март куни "Пенсия ва нафақаларни тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди. Унга кўра энди пенсия ва нафақалар "Ўзбекистон почтаси" эмас, "Халқ банки" томонидан бериладиган бўлди. 2017 йил июль ойигача "Ўзбекистон почтаси" Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан молиялаштириладиган пенсия, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни нақд пулда тўлашни босқичма-босқич "Халқ банки" бўлимларига ўтказиб беради.

Энди пенсия ёки нафақани олиш учун қайсидир идорага узоқ йўл босиб борилмайди. Балки, махсус кассалар ҳар бир маҳалладаги фуқаролар йиғини биноларида ва бошқа маъмурий биноларда ташкил этилади. Бу, албатта, кекса отахону онахонларимизнинг оворагарчиликларини олдини олади. Бундан ташқари, махсус кассаларга мустақил бора олмайдиган инсонларнинг пенсия ёки нафақаси "Халқ банки" томонидан уларнинг яшаш манзили бўйича етказиб берилиши белгилаб қўйилган.

Нақд пулларни махсус кассаларгача етказиб бориш учун 590 та "Дамас" автотранспортлари харид қилиниши ишнинг жадал олиб борилишини таъминлайди.

— Берилаётган вазифаларга ва ушбу қарорга асосан аҳолига пенсия миқдори оширилганда "SMS" хабарлари юбориш тизими жорий этилди. Мобиль телефон ёрдамида 10711 рақамига "SMS" сўрови юбориш орқали пенсия миқдори ва тўлов муддати, пенсияларнинг тўланганлиги, тайинланганлиги, пенсия муддати, тўғрисида батафсил маълумотларни олиш бўйича интерактив хизмат ҳам амалиётга татбиқ этилди, — дейди суҳбатдошимиз сўзини давом эттириб. — Бундан ташқари давлат пенсия таъминотига оид энг сўнгги маълумотларни бевосита Пенсия жамғармасининг (pfru.uz) расмий веб-сайти орқали олишингиз ҳам мумкин. Кўпчилик ўз пенсиясини ҳисоблашга қийналади. Шу сабабли биз сайтда пенсия калькуляторини жорий қилганмиз. Ундан фойдаланиб фуқаролар ўзларининг дастлабки пенсияси миқдорини ҳисоблаб чиқишлари ва шу бўйича батафсил маълумотга эга бўлишлари мумкин. Шу билан бирга, пенсия жамғармаси тизимида ташкил этилган "Ишонч телефони" 1140 — қисқа рақамига қўнғироқ қилиб хизматдан бемалол фойдаланишингиз мумкин.

Ҳа, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш тизимнинг янада ривожланишига хизмат қилади. Юртимизда ислоҳотларнинг бари аҳоли фаровонлиги учун амалга оширилмоқда. Муҳими, халқ ризолигига эришиш дея олдинга қадам ташлаётган эканмиз, бу йўлда отахону онахонларимизнинг дуоси мадад бўлади.

**Шоҳсанам КОМИЛОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

**СОЛИҚ ПОРТАЛИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органларининг "Электрон солиқ хизматлари" – my.soliq.uz порталида 31 та хизмат тури бажарилмоқда. Портал ёрдамида нафақат керакли ахборотга эга бўлиш, балки солиқ ва молиявий ҳисоботлар, мурожаат жўнатиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш, қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотлар олиш ишларини тезкорлик билан бажариш мумкин.

# Қулай ва кўмакчи

Самарқанд вилояти давлат солиқ хизмати органларида ҳам ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш иш унумининг ошиши ва харажатлар камайишига, энг муҳими, солиқ тўловчиларнинг вақти тежалишига хизмат қилмоқда. Айниқса, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ ҳисоботлари тўлиқ электрон кўринишда топширилиши натижасида қоғоз сарфи кескин камаймоқда. Масалан, ҳар бир ҳисобот учун тахминан 20 грамм қоғоз сарф этиладиган бўлса, вилоятдаги 33 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисоботлар электрон кўринишда топширилиши натижасида ўтган йили 10.8 тоннадан ортиқ қоғоз ёки 143.6 миллион сўмдан зиёд маблағ тежаб қолингани фикримиз тасдиғидир.

my.soliq.uz порталида солиқ тўловчи жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун алоҳида шахсий кабинетлар мавжуд бўлиб, ҳар бир солиқ тўловчига солиқ органлари билан электрон кўринишда мулоқот қилиш учун имконият яратилган.

Шахсий кабинетдан юбориладиган электрон ҳужжатларга юридик мақом бериш мақсадида электрон рақамли имзодан фойдаланилади. Бундан ташқари шахсий кабинетдаги барча маълумотлар ва ёзишмаларнинг махфийлигини таъминлаш учун электрон рақамли имзо ёрдамида белгилар қўйиш амалга оширилади.

Мисол учун, жисмоний шахсларнинг шахсий кабинетида солиқ тўловчининг солиққа тортиладиган барча объектлари ва уларга ҳисобланган мол-мулк, ер солиғи ҳақида маълумот олиш мумкин. Қолаверса, барча турдаги (йиллик, ихтиёрий, дастлабки — ижара бўйича, чет эл жисмоний шахсларининг мол-мулкини реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича) солиқ декларацияларини жўнатиш мумкин.

2016 йилнинг 1 майдан бошлаб яна бир янги электрон хизмат жорий этилди: корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан бўлган қарздорликлари ёки жорий йил учун ҳисобланган маҳаллий солиқларини шахсий кабинет орқали онлайн тўлаш имконияти яратилди. Ҳозирда иш берувчи ўз ходимининг аризасига мувофиқ маҳаллий солиқларини битта тугмани босиш орқали бюджетга ўтказиб бериши мумкин. Бунда тўловлар автоматик равишда ходимнинг шахсий карточкасига ёзилади ҳамда қарздор ходимларнинг реестрларини қоғоз шаклда солиқ идорасига тақдим этишга эҳтиёж қолмайди. Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланиш ҳам мутлақо бепул. Биргина 2016 йилда Самарқанд вилояти бўйича ушбу янги тизимдан 11225 та юридик шахслар унумли фойдаланиб, 30276 дан ортиқ ходимларининг 10720.6 миллион сўм ер ва мол-мулк солиқларини интернет орқали тўлаб беришди.

**Даврон РАВШАНОВ,**
**Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси**

САРҲИСОБ

# ПУБЛИЦИСТИКАДА ДАВР МАНЗАРАЛАРИ

## 2016 йилда чоп этилган китоб ва журналлар фаолиятига бир назар

Деҳқонлар кўп ҳосил берган мевали дарахтларга боқиб, "Ўрикнинг йили келди" ё "Олманинг йили келди" деб таърифлашади. 2016 йилда чоп этилган қатор журналларни варақлаб, ижод майдонида публицистиканинг йили келибди, дегингиз келади. Бунда барча қаламкашларни фаол ижод қилишга илҳомлантирадиган воқеликлар, алалхусус, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг ҳисобига ета олмайсан.

Республикамизда нашр этилаётган журналлар мундарижасига қараб фикримизга қўшиласиз, албатта. Уларда ёритилган ибратли, сермазмун публицистик материалларни таҳлил қилар экансиз, айниқса ёш қаламкашлар учун ўзига хос маҳорат мактаби деб эътироф этишга арзигулик ижод намуналари эътиборингизни тортади. Мисолларга мурожаат қилайлик.




Хабарингиз бор, **"ШАРҚ ЮЛДУЗИ"** журналининг дастлабки саҳифалари "Публицистика" рукни билан очилади.

Журналнинг 2016 йил сонларини кўздан кечирган ўқувчи долзарб мавзуларда публицистик асарлар ёритилганини ва бу нашр мазмундорлигини янада оширишга хизмат қилаётганини эътироф этади. Журналнинг 1-сонида ёзувчи Ғози Раҳмоннинг "Зумрад диёр" сарлавҳали мақоласида қадимий ва табаррук маскан Шаҳрисабз ҳақида ҳикоя қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги "Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар кўлами ўзига хос маҳорат билан тасвирланган. Айниқса, XV асрда бунёд этилган тарихий обидаларнинг қайта чирой очгани ҳақидаги лавҳалар ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

Журналнинг шу йил 2-сонида ёзувчи ва шоир Ўктам Мирзаёрнинг "Ватан манзаралари" сарлавҳали мақоласи "Ким эдигу..." деган кичик сарлавҳа билан бошланиб "...Ким бўлдик" дея давом этади. Эътиборлиси, ҳажман кичик ҳикояларда бутун бир даврда халқимиз кўз ўнгида амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишлари ҳақида кенг қамровли фикрлар баён этилади.

Муаллиф "Ким эдигу..." деган саволга жавобини шундай сатрлар орқали баён этади:

*"Бу ўлканинг меҳнати*
*зўр, азобижон,*
*Аёлларин томирида ивиди қон.*
*Ўнта туғса, ўновидан*
*беши омон,*
*Инсон бўлсанг, шулар ҳаққи*
*келтир имон,*
*Дўст бўлсанг гар,*
*"Боқиманда" демас эдинг!"*

Бу сатрларда ифода этилган фикрларни изоҳлар экан, муаллиф шундай ёзади:

"Йўқчилик, чорасизлик, адолатсизликдан ўз-ўзига ўт қўйган аёлларнинг мудҳиш қисмати одамларнинг шусиз ҳам синган руҳини чил-чил этарди".

Энди, "...Ким бўлдик" мавзусида келтирилган маълумотлар, воқеликлар ҳам халқимиз кўз ўнгида намоён бўлган. ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг "Жаҳоннинг энг яхши ҳаками" деб эътироф этилишидан тортиб "Афросиёб" поездимизу осмонўпар ҳаво кемаларигача ҳаётимизда қанчалик мўъжизага айланишигача ёрқин бўёқларда тасвирланган.

Журналнинг 3-сонида таниқли ижодкор Шарифа Салимованинг "Шарқдан чиқаверар офтоб ҳамиша" сарлавҳали мақоласи Ватан манзаралари ажиб бадиий бўёқларда ўзига хос маҳорат билан тасвирланган. Унда "Буюк аждодларимиз Тўмарис, Сароймулкхоним, Гулбаданбегим, Зебунисобегим, Нодирабегим, Увайсий, Қурбонжон додхолар ва қатор бошқа улуғ аёллар шахси мисолида қадимий Шарқ закосига ҳамиша тан бергани" ҳақида сўз юритилар экан, юртимиз истиқлоли йилларида аёлларга давлат сиёсати даражасида эҳтиром кўрсатилаётгани кенг таҳлил этилади.

Журналнинг 4-сонида фарғоналик ижодкор Ҳамид Бурҳоннинг "Дилни ёруғ қилган тадбирлар", 5-сонида адиба Рисолат Ҳайдарованинг "Жаҳон билан бўйлашиш бугуннинг вазифаси", 6-сонида Зиёвиддин Мансурнинг "Одамлардан тинглаб ҳикоя..." сарлавҳали материалларида ҳам Ватан тарихи ва истиқлол йилларидаги шонли йўли ҳақида атрофлича ҳикоялар қилинган.

Журналнинг 7-сонида Бахтиёр Ҳайдаровнинг "Ўтмиш ва келажакни боғловчи кўприк" сарлавҳали публицистикасида Қарши шаҳридаги Қашқадарё узра қурилган тарихий кўприк ва унинг ёнидаги боғлар ҳақида сўз борар экан, қуйидаги сатрлар ўқувчини мушоҳада қилишга ундайди: "Мана, улуғ боболаримиз қурган кўприк ҳануз хизмат қиляпти. Фахр ва ғурур бўлиб қад ростлаб турибди. Бу кўприк меъморчилик, тарих, фалсафа ва бошқа шу каби мавзуларда "очиқ дарс" вазифасини ўтяпти. Мен-чи, Ватанга нима бердим, авлодлар эслайдиган қандай эзгу амаллар қилдим?" деган саволлар қалбингиз тубида, албатта, уйғонади. Ўзингизни яхшиликларга чоғлайсиз".

Тарихга теран назар билан ёндашган муаллиф насафийлар, кешийлар, термизийлар, бухорийлар, хоразмийлар, фарғонийлар, шошийлар каби улуғ зотларнинг бой маънавий меросларини ҳам ўтмиш ва келажак ўртасидаги улуғ маънавий кўприк сифатида тасвирлаши ўқувчини мушоҳадага чорлайди. Мазкур публицистикада кичик сарлавҳалар остида ёритилган "Тарихга бир назар", "Қадим кўприкнинг замонавий қиёфаси", "Бу сувлар қаердан келяпти?", "Бардавом анъаналар" мавзулари мантиқан занжирдек боғланиб кетган.

Журналнинг шу йил 8-сонида шоира Қутлибека Раҳимбоеванинг "Гул водийлар яшнар қошида" сарлавҳали асарида замонамизнинг бир гуруҳ қаҳрамонлари сиймосига ажиб чизгиларни кўриш мумкин. "Ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар лаҳзамиз синов кунлари, синов лаҳзаларига ўхшайди. "Мен сенга озод мамлакат, инсоний қадр, "ўзингнинг еринг, ўзингнинг тилингга ўзинг эгасан", деган имконият бердим. Сен мен учун нима қилдинг?" дея савол бераётгандек", деб ёзади муаллиф. Публицистика давомида "Лолахоннинг уч юз донли буғдой бошоғи" кичик сарлавҳаси остидаги ҳикоясида олтиариқлик машҳур деҳқон Лолахон Муродова сиймоси ортиқча баландпарвоз гапларсиз, соддагина тасвирланган. Фермер опанинг меҳнати қанчалик қадр топгани, шу туфайли "Дамас" ва "Нексия" мингани истиқлол берган имконият ва неъмат эканини муаллиф маҳорат билан кўрсатган.

Журналнинг 9-сонида Абдумажид Азимнинг "Ватаннинг файзиёб тонглари" сарлавҳали публицистикасида ҳам бугунги дориламон кунларимиз собиқ мустабид тузум давридаги нохуш ҳолатлар билан қиёсий таҳлил қилинади. "Бу кунларга етиш осон бўлмаган", "Бундан буён эскича яшолмаймиз", "Отам кўзидаги ёшлар", "Орзулар ижобати" мавзулар сарлавҳасиданоқ ўқувчилар кечаги ўтмишдаги оғриқли дардлар ва бугунги дориламон кунларга шукроналик ҳиссини туядилар.

Журналнинг 10-сонида ёритилган Гулчеҳра Асронованинг "Дилда доим Ватан меҳри бор", 11-сонида ёритилган Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Қадимий ўлканинг янги эраси" сарлавҳали публицистикаларида ҳам Ватан манзаралари, бой тарихи ва умидли келажаги ҳақида мушоҳадали фикрлар ўз ифодасини топгандир. Бу публицистикаларнинг тили ва услуби ҳақида ижобий фикрлар айтиш мумкин. Муаллифлар қаламга олган мавзуларини юксак бадиий маҳорат билан тасвирланганини илмий тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

**"ЁШЛИК"** журналида ҳам замонамиз қиёфасини, муҳим ижтимоий воқеликларга айланиб бораётган улкан бунёдкорлик ва бошқа ишларимизни тасвирлашга қаратилган бир қатор мақолалар ҳақида ижобий фикр айтиш мумкин. Буни журналнинг 2016 йилги сонларида ёритилган қатор эссе ва бошқа публицистикалар мисолида кўришимиз мумкин.

Журналнинг 3-сонида чоп этилган Абдусаид Кўчимовнинг "Бу дунёда шундай яшасанг" сарлавҳали эссесида Қашқадарё вилояти Қамаши туманида юз бераётган воқеликлар юксак бадиий маҳорат билан тасвирланади.

Журналнинг 4-сонида ёритилган Луқмон Бўрихоннинг "Сатрларга сиғмаган сийрат" сарлавҳали портрет очерки (афсуски, жанри аниқ кўрсатилмаган) Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Холиджон Комилов сиймоси маҳорат билан тасвирланган.

6-сонида Баҳодир Раҳмоннинг "Йўл изтироблари" сарлавҳали мақоласини ҳам аслида портрет очерки дейиш тўғрироқ бўлади. Унда атоқли шоир Эркин Воҳидов сиймоси ёрқин бўёқларда маҳорат билан тасвирланган.

Ўтган йили "Гулистон", "Саодат", "Тафаккур", "Соғлом авлод учун" каби оммабоп журналларда ҳам ранг-баранг мавзуларда публицистикалар ёритилгани муштарийлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Публицистика — ҳаёт билан ҳамнафас жанрдир. Юртимиз мустақиллиги йилларида бетакрор бадиий асарларини ёзган атоқли адиблар ўз даврида ҳаёт манзараларини публицистика жанри орқали маҳорат билан ёритишда ҳам ибрат кўрсатганлари баайни ҳақиқат. Устоз адибларнинг ана шу ўзига хос анъаналарини изчил давом эттириш бугунги ижодкорлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**филология фанлари номзоди, доцент**

# КИТОБЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

Ўтган йил юртимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллигини қандай кўтаринки руҳ, тантаналар билан нишонлаган бўлсак, бу оммавий ахборот воситаларида шундай акс этди. Хусусан, матбуотда истиқлолнинг чорак асрлик тарихи, халқимизнинг ўтган қисқа давр ичида қандай улкан ютуқларга эришгани, оддий одамларнинг кайфияти қаламга олинган публицистик материаллар эълон қилинди.

Бу эзгу ишлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, жумладан, унинг Бадиий публицистика кенгаши ҳам четда тургани йўқ. Йил давомида чоп этилган сара публицистик асарлар Уюшма ташаббуси билан тўпланиб, китоб ҳолида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган "Адолат йўли", "Кўзим қароғисан, Ватан", "Залворли қадамлар" номли бадиий-публицистик тўпламлар, ёшларнинг Ватанни мадҳ этувчи ижод намуналари, сафарномалари жамланган "Сени севамиз, Ўзбекистон!" номли китоби шулар жумласидан.

Юздан зиёд турли жанрдаги публицистик асарлар жамланган китоблар давримизнинг ўзига хос солномасини ташкил қилади.

"Адолат йўли" тўпламидаги мақолаларда юртимиз мустақиллиги арафасида рўй берган машъум қатағон — "пахта иши", "ўзбеклар иши" деб ном олган сиёсий бухроннинг даҳшатлари ҳар бир лавҳада шунчалар жонли ифодаланганки, уларни ўқиб, мустақилликнинг зарурати, тарихий аҳамияти ва моҳиятини яна бир карра дилдан ҳис этиш мумкин. Бу китобни ҳар бир ўқув юрти кутубхонасида бўлишини, унинг мақолалари орқали мустамлакачиликнинг моҳияти ҳар бир ёш авлодимизга етиб боришини хоҳлаймиз.

"Залворли қадамлар" тўпламидан жой олган жиддий мақолаларнинг умумий руҳи мустақиллик фалсафасини англашга ёрдам беради. Чорак аср давомида халқимиз ҳаётининг турли жабҳаларида рўй берган сифат ўзгаришларнинг ифодаси — кеча ғурури топталган, тарихидан, бутун ўтмишидан мосуво қилиниб, босқинчиларнинг соясига салом бериб юришга маҳкум қилинган халқ қисқа даврда қандай ютуқларга эришганлиги таъсирчан акс эттирилганки, уларни ўқиб, юртимиз келажаги ҳақиқатан буюк эканига ишонч ҳосил қиламиз.

"Кўзим қароғисан, Ватан" тўпламида ҳам шукрона руҳи билан тўлибтошган мақолалар жамланган. Тўпламларни синчиклаб кўздан кечиргач, ҳақиқатан эришилган ютуқлар кўплигига имон келтириш билан бирга ҳали қалам аҳли бу зафарномани тўла акс эттиришда халқимиздан анча қарздор эканини ҳам ҳис қиламиз. Негаки, ҳали кашф этилмаган қаҳрамонлар, қайд этилмаган ютуқлар анчагина. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоғи, матбуот хизматга шай турмоғи шарт. Шунингдек, китобларни тартиб беришда маълум талабларга амал қилиш, маълумотлар синчиклаб ўрганилишини таъминлаш (масалан, йирик давлат арбоби Ш.Рашидовнинг вафот этган ойи хато кетган), таҳрир ва корректурага яна ҳам талабчанлик билан ёндашиш фойдадан холи бўлмасди.

Қайд этилган хатолар "Сени яхши кўрамиз, Ўзбекистон!" тўпламида бартараф этилганга ўхшайди. 27 муаллифнинг битикларини жамлаган китоб мавзуларга кўра тўрт қисмга ажратилган, ҳар бир бўлимга алоҳида ном қўйилган, мос келадиган эпиграф танланган. Бу тўпламнинг бежирим ва хушбичим бўлишини таъминлаган. Ундаги ҳар бир сатрда ёшликнинг жўшқин нафаси, беғубор туйғуларнинг тиниқ ифодаси уфуриб турибди. Муаллифлар ҳар жиҳатдан изланиишларга қўл урганлар. Бу янги мавзуларни танлашда ҳам, ифодада ўзига хос шаклга интилишда ҳам, теша тегмаган деталлар, иборалар қўллашга уринишда ҳам сезилиб туради. Хуллас, тўпламда миллий журналистикамизнинг жами яхши анъаналари акс этганга ўхшайди.

Аммо шундай сеҳр, бойлик борки, уни китобларни ўқиб ҳам, устозлар насиҳатини тинглаб ҳам ўзлаштириб бўлмайди. Бу — тажриба. Битикларда тажрибасизлик унсурлари шундоққина билиниб турибдики, буни афв этса бўлади. Масалан, ҳали шуурида илк марта дуч келгани "мустақиллик" деган тушунчани ҳаётий малакаси етарли одамлар ҳам идрок этишга қийналиб турган шароитда беш ёшли гўдакнинг бу ҳисдан жунбушга тушиб, қоронғи тушгунча ирғишлаши, оқибатда, онасидан қаттиқ дакки эшитиши (мантиқ нимада?) кишини ишонтирмайди. Ёки Самарқанд ҳақида ёзганда унинг дарвозасидаги мангу уйғоқ посбон — Самарқанд ифтихори Соҳибқирон Амир Темурни тилга олмаслик, Ғўбдинтоғ мўъжизаларидан матаассир бўлганда Темур қапуғдаги тош қояларга ўйиб ёзилган Улуғбек ва Абдуллахон II нинг тошбитикларини тилга олмаслик ана шундай тажрибасизлик асорати бўлиб туюлади. Шунингдек, ёш муаллифлар шуурида ўтмиш қийинчилиги рамзи сифатида арпа нон, жўхори нон, умуман, моддий қашшоқлик муҳрланиб қолганга ўхшайди. Шу ҳолат билан боғлиқ лавҳалар жуда таъсирчан ифодаланган.

Аммо масаланинг нозик ва муҳим бир тарафи бор. Мабодо, биз мустақилликнинг моҳиятини фақат моддий фаровонлик истагидан келиб чиққан эди, деб талқин этсак, масалага жуда юзаки ёндашган бўламиз. Бундай муносабатни парчалаб ташлайдиган халқимизнинг бир ибратли гапи бор: "Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман!". Истиқлол, аввало, топталган ғурур, булғанган ор-номус, унутилган тарих, ғорат қилинган қадриятларни тиклаш учун керак эди. Қарийб бир ярим асрлик тоталитар муносабат турмуш тарзимизни бутунлай издан чиқариб юборганди. Чор истибдоди билан ичкиликбозлик, зино, ўғрилик урчиб кетган бўлса, шўронинг хўрловчи, таҳқир этувчи тартиблари туфайли мунофиқлик (юртдошларимиз гарчи ичидан бўрон ўтиб турса ҳам тиржайиб туришга мажбур эди), хоинлик (шароит тақозоси билан одамлар имонини сотган, ота ўғилни, ўғил отани қоралаган), сотқинлик, хушомадгўйлик, ёлғончилик (зуғум жондан ўтиб кетгач, қалбаки маълумотлар тайёрлашга мажбур бўлишган), порахўрлик, маҳаллийчилик ("Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил" деган тамойил бунга йўл очган) сингари маънавиятни хароб қиладиган тамойиллар қарор топдики, шунгача бизнинг миллий қиёфамизда бундай кўринишлар қаттиқ қораланган эди. Шўро тартиблари эса уларнинг томирига сув қуйиб ривожлантирди, оқибатда, бу салбий ҳолатлар ижтимоий қиёфа касб этиб, одамларни домига тортиб кетди ва фожеа даражасига кўтарилди. Ёшларга ўтмиш асоратлари ҳақида гапирганда, бу ҳолни ёддан фориғ қилмаслик шарт.

Булардан ташқари, ўтган йил алоҳида муаллифларнинг ҳам кўплаб китоблари нашр этилди. "Мен шоирман" (Абдусаид Кўчимов), "Журналист" (Ҳабибулла Олимжонов), "Умид манзили" (Ҳаким Сатторий), "То қуёш сочгайки нур" (Эркин Воҳидов ҳақида замондошлари хотиралари), "Тарихнинг узилган парчаси" (Амирқул Каримов), "Ҳаёт лавҳалари" (Дамин Тўраев) сингари ўнлаб китоблар ўзининг жанр хусусиятлари, муаллифларнинг маҳорати, ҳаёт ҳақиқатини инкишоф қилишдаги теранлиги билан публицистикамизнинг ўтган йилги энг яхши намуналари бўла олади. Бундай китоблар кўп, афсуски, уларнинг ҳаммасини биргина мақолада қамраб олиш ва таҳлил қилиб фикр билдириш фавқулодда мушкул масала.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

Ойнаи жаҳон пультини босишингиз билан ёқимтой аёл журналистнинг чеҳраси намоён бўлади. Хориж телеканалларида аёл журналистларнинг "қайноқ нуқта"лардан лавҳа беришига томошабинлар аллақачон ўрганиб қолишган. Бугун газета ва журнал саҳифаларида аёл-журналистларнинг кўплаб мақолаларини жон-дилимиз билан ўқияпмиз.

# ЖУРНАЛИСТ АЁЛЛАР



"Журналистика фақат эркакларга хос касб" деган бир вақтлардаги фикрлар бугунги воқеликка асло мос келмайди. Таҳлилчилар фикрича, бугунги кунда "нозик жинс" вакиллари жаҳон (айниқса АҚШ ва Европа) оммавий ахборот воситаларида етакчи кучга айланиб улгурди. Россия ОАВда эса аёллар раҳбарлик лавозимларида ҳам фаолият юритишмоқда. Статистик маълумотларга кўра, журналист аёллар сони мунтазам ошиб бормоқда. Таъкидланганидек, уларни "қайноқ нуқта"лар ҳам қўрқита олмаяпти.

Аёл журналистларимиз эркаклардан қолишмасликка ҳаракат қилиб, мураккаб мавзуларга ҳам қўл уришмоқда. Масалан, телевидениедаги ахборот дастурлари ва турли кўрсатувларда долзарб мавзуларда лавҳалар тайёрлаётган, ток-шоулар ташкил қилаётган аёлларга ҳавас қилмай иложимиз йўқ. Кончилар, деҳқонлар, ишчилар, ўқитувчилар, ҳатто фаррошлар хаётига бағишланган кўрсатувлар тайёрлаган тиниб-тинчимас Саодат Ўрмоновага кўпчилик ҳамкасбларимиз тан беради. Одамларга ёқадиган кўрсатув, эшиттириш ёки мақола тайёрлаш учун анча "тер тўкишга" тўғри келади.

Журналистларга осон, деб ўйлаш мутлақо нотўғри. Матерал тўплаш, уни таҳрир қилиш ва ёзиш машаққатларини фақат журналистларгина яхши англайди. Шу ўринда Қутлибека, Гулчеҳра Жамиловаларнинг долзарб мавзудаги мақолаларини эслаш керак. Барно Султонова ва Юлдуз Ҳожиеваларнинг одамийлик, меҳр-оқибат ҳақидаги мақолаларини алоҳида завқ билан ўқиймиз. Улар фақат яхшилик ҳақида ёзишни ўзларига мақсад қилиб олгандек бўлади, назаримда. Худди шу баҳони Ойбуви Очилова ("Ma'rifat")га нисбатан ҳам бериш мумкин.

Мақола, кўрсатув ёки эшиттириш у ёки бу масалага ойдинлик киритиб, одамлар учун нимадир бериши керак. Бу анча машаққат чекишни тақозо қилади. "Ma'rifat"даги Ҳулкар Тўйманова танлаётган мавзуларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ўйлайман. Матбуотимизда Адиба Умирова, Ситора Тожиддинова, Гўзал Маликова (уларнинг ҳар учаласи "Hurriyat"да)ларнинг пайдо бўлиши ҳам ҳодиса сифатида баҳоланишга лойиқдир. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидаги Нодира Манзурова, Ирода Умарова ва Мадина Умароваларнинг Тошкентда ўтаётган халқаро анжуманларда инглиз тилида савол бериб, хорижликларни шошириб қўйганига кўп марта гувоҳ бўлганман.

Менинг журналист бўлишимга Умида Абдуазимова сабабчи бўлганлар. Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институтида тарихдан дарс берардим. Бир куни Ҳожиакбар исмли талаба келиб "телевизорда чиқишни хоҳлайсизми?", деб сўраб қолди. Кейин етти-саккизта савол бериб, шуларга тайёрланишимни сўради. Саволларга тайёр бўлганимдан сўнг, радиога бориб, Умида Абдуазимова билан суҳбатлашдик. Бу суҳбат эфирга берилиб, матни эса "Тошкент оқшоми"да мақола бўлиб босилди. Шундан сўнг мақолаларим республика газеталарида босила бошланди. 1995 йилда Ўзбекистон радиосига ишга келдим. Зубайда опа, Ҳулкар опа каби устоз журналистлардан кўп нарса ўргандим. "Халқаро ҳаёт" бош муҳарририятида эса Муяссар Саидхонова туфайли халқаро журналистика сир-асрорларидан бохабар бўлдим. Қўрқмасдан халқаро мавзуларда ёза бошладим. Умуман олганда, Муяссар опа шогирдларига қаттиққўллик билан муносабатда бўлардилар. Бу эса келажакда шогирдларнинг етук журналистлар бўлиб етишишига катта таъсир кўрсатди.

Шу ўринда "Ўзбекистон" радиосининг чорак асрдан бери эфирдан тушмай келаётган "Оқшом тўлқинларида" ахборот-мусиқий эшиттиришига ва уни тайёрлаётган аёл-журналистлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Эшиттириш тингловчиларга ёқиши учун Шоҳида Абдуолимова, Зарбиби Чориева, Сайёра Аллабердиева, Нозима Тошпўлатова воқеаларни қизиқарли тарзда ёритишга ҳаракат қилишмоқда.

"Нима учун аёл журналистлар илгарилаб кетди", деган саволга жавоб излар эканман, аёл ҳамкасбларимизнинг ижодини яна бир марта кўздан кечириб, ўзимча таҳлил қилгандек бўлдим. Аёллар чекинишни истамаган ҳолда (эркаклардан ортда қолмаслик мақсадида) ҳамиша олға интилади. Аёллар ўз қаҳрамонлари билан чин қалбдан суҳбатлашади. Улар ўз асарларига худди фарзандларига меҳр бергандек каби муносабатда бўлишади. Шу сабабли ҳам АЁЛ журналистлар масъулиятни ҳис қилиб асарлар яратишмоқда. Бир сўз билан, айтганда, аёл ҳамкасбларимизнинг меҳнати натижалари миллий журналистикамиз ривожига ҳисса бўлиб қўшилаётганини эътироф этиш ўринлидир.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**

# Яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик — тараққиёт омили

**ШАРҲ**

Халқимизда яхши анъаналар кўп. Масалан, бирон эзгу ишга қўл уришдан аввал албатта қўни-қўшни, маҳалла-кўй билан ўзаро маслаҳат қилинади. Ёшу қарининг тилидан тушмайдиган “Қўшнинг тинч — сен тинч”, “Ҳовли олма, қўшни ол” деган ибратли мақоллар ҳам мазмунан ана шундай умрбоқий анъаналарни ифода этади.

Нима учун қўшничилик ҳақидаги нақлларни эсга оляпмиз?

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 6-7 март кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда, 22-23 март кунлари эса Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифи билан Қозоғистонда давлат ташрифлари билан бўлиб қайтди. Оммавий ахборот воситалари орқали икки қўшни давлат раҳбарлари билан ўтказилган ўзаро учрашувларни кузатар эканмиз, ҳар биримиз юқоридаги мақолларнинг тарих ва замонавий ҳаёт билан нақадар уйғунлашиб кетганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Хўш, нима учун давлатимиз раҳбари илк расмий хорижий сафарини айрим мамлакатлар бошлиқлари каби дейлик, Европанинг ғоят тараққий этган давлатларидан эмас, Туркманистондан бошлади экан?

Бу саволга бир қарашда ҳар хил жавоб бериш мумкин. Яъни кимдир бунинг сабабини икки давлатнинг тарихан бир-бирига яқинлигида, уларнинг маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларидаги ўзаро ўхшашлигида деб ҳисоблайди. Бу фикрларда ҳам жон бор, албатта. Боиси — масофа билан бир қаторда, тарихий анъаналаримиз, урф-одатларимиз бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлгач, шундай мулоҳазага борилиши табиий. Зеро, халқимиз туркман халқи билан азалдан аҳил-иноқ яшаб келган, бир дарёдан сув ичган. Савдо-сотиқ қилиб, бир-бирининг маданиятини бойитган. Бундай тарихий яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига асос бўлиб хизмат қилаётгани ҳам маълум. Энг муҳими, Ўзбекистон — Туркманистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил тараққий этмоқда.

Кўриниб турганидек, юқоридаги саволга турлича мазмунда жавоб бериш мумкин. Аммо фикримизча, ушбу ташрифнинг асосий сабаби биз ўйлагандан кўра чуқурроқ эди.

Нима демоқчимиз?

Бу ўринда сентябрь ойида халқимиз ҳаётида рўй берган оғир жудолик — Биринчи Президентимиз Ислом Каримов вафот этган кунни эсга олайлик. Буюк давлат ва жамоат арбобини сўнгги йўлга кузатиш дамларида кўплаб хорижий давлатлар раҳбарлари қатори Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ҳам биринчилар қаторида Ўзбекистонга етиб келди. Шу билан бирга, қўшни давлат раҳбари ўзбек халқи ва унинг улуғ Йўлбошчисига юксак ҳурмат бажо келтириб, Туркманистонда Ислом Каримов хотираси абадийлаштирилишини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам орадан кўп ўтмай, Туркманобод шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Ислом Каримов номи берилди. Ушбу кўчада Ўзбекистон ва Туркманистон байроқлари ҳилпираб турган ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, Биринчи Президентимизнинг бюсти ўрнатилди.

Мазкур ёдгорликнинг очилиш маросимида Туркманистон Президенти: “Ислом Каримов буюк сиёсатчи, улуғ давлат арбоби, ўз халқини жонидан ортиқ севган ватанпарвар инсон эди. Ўзбекистоннинг янги ҳаётида дуч келган турли муаммо ва қийинчиликларни оқилона енгиб ўтди. Бутун минтақа тинчлиги ва ҳамкорлигига, жумладан, Ўзбекистон билан Туркманистон алоқалари ривожига улкан ҳисса қўшди. Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш қарзимиз эди. Бугун ушбу вазифани адо этар эканмиз, у кишининг меросини асрашимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур,” дея таъкидлади.

“Ахборот” дастурининг махсус сони орқали ушбу тарихий ва унутилмас манзарани кўрган ва Туркманистон Президентининг юқоридаги сўзларини тинглаган кўплаб юртдошларимиз ғоят таъсирланди, туркман халқига нисбатан ҳурмат ва ишонч янада ортди. Қолаверса, бу халқ билан яқин дўст ва ҳамжиҳат бўлиб, қатор соҳаларда ҳамкорлик қилишнинг қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб етди.

Халқимиз ўзига кўрсатилган ҳар қандай ҳурматга доимо юксак эҳтиром ва иззат-икром билан жавоб беради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга қилган давлат ташрифи давомида ҳам ана шу юксак инсоний фазилатнинг ёрқин намунаси ўз ифодасини топди, десак, асло муболаға бўлмас. Бу ҳолат айниқса, икки давлат бошлиқларининг ўзаро самимий мулоқотида, бир-бирига нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиромида яққол кўриниб турди.

Давлат раҳбарлари савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Қўшма баёнотни, Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати, темир йўл транспорти, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркманистон Ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2014—2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастурини амалга ошириш натижалари ижобий баҳоланди ҳамда 2017—2019 йилларга мўлжалланган тегишли дастурни имзолаш топширилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга қилган давлат ташрифи ҳам икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хабарингиз бор, ушбу халқаро учрашув тафсилотларини ёритган жаҳон оммавий ахборот воситалари Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонда сўнгги вақтларда барча тўсиқлар олиб ташланди, деган фикрига алоҳида урғу берди. Хусусан, “Казинформ” халқаро ахборот агентлиги дунё ҳамжамиятининг эътиборини Қозоғистон раҳбарининг қуйидаги мулоҳазаларига қаратди: “Остона ва Тошкент икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларда ҳамкорлик қилиш борасида Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардир. Мамлакатларимиз ўртасида ўтган йили маҳсулот айланмаси ҳажми 2 миллиард долларга яқинни ташкил қилган. Савдо ҳажми ўсиши 16 фоизга тенг бўлган. Фақат охирги 5 ойда давлатларимиз ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ўсган, янги маҳсулотларни етказиб бериш йўлга қўйилган. 4 та савдо уйи очилди, Ўзбекистонга буғдой экспорти ҳажми 30 фоизга ортди, Ўзбекистондан мева ва сабзавотлар импорти ҳажми 25 фоизга ўсди. Бу эса Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти савдо учун барча имкониятларни очиқ қилиб қўйгани ва тўсиқларни олиб ташлагани эвазигадир”.

Мазкур эътироф нимадан далолат беради?

Бу дегани — мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самараси, қабул қилинаётган қонунлар, қарор ва фармонларнинг аҳамияти ва изчил ижроси бошқа хорижий давлатлар қатори Қозоғистон раҳбариятида ҳам яхши таассурот қолдирмоқда. Яна бир сабаби, ўтган йилларда нафақат Қозоғистон ёки Туркманистон, балки бутун дунё ҳамжамияти Ўзбекистон танлаган йўлнинг қанчалик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Биргина мисол. Жаҳонда ҳалиҳануз давом этаётган молиявий инқироз даврида айрим ривожланган давлатлар боши берк кўчага кириб қолди. Баъзиларининг иқтисодиёти тамоман издан чиқди. Худди шу вақтда эса Ўзбекистонда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилиб, мамлакатда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, саноат ишлаб чиқариш каби жамиятнинг энг етакчи соҳаларида ўсиш ва юксалишлар кузатилди. Дейлик, айрим чет давлатлардаги йирик компаниялар банкрот деб эълон қилинган вақтда бизда янги ва йирик корхоналар қурилиб, ишга туширилди.

Ёки баъзи мамлакатларда нуфузли банклар, йирик тадбиркорлар, қуйингки, даромад топишдан манфаатдор бўлган фуқаролар инфляциянинг кескин кучайганидан, кўплаб корхоналарнинг фаолияти тугатилиб, иш ўринларининг кескин қисқариб бораётганидан азбаройи хавотирга тушган бир пайтда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида аҳолига имтиёзли кредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилди. Кўплаб ўғил-қизларимиз доимий иш билан таъминланди. Энг муҳими, тадбиркорлик ривожига ғов бўлиб турган барча тўсиқлар олиб ташланди. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Ўзбекистоннинг пухта ва узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган тараққиёт модели чигал муаммоларни четлаб ўтиш имконини берди.

Бундай оқилона тадбирлар қай бир давлатнинг Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиш ва мустаҳкамлашга бўлган хоҳиш-истагини кучайтирмайди дейсиз?

Яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бир қатор халқаро масалаларда фикри бир жойдан чиқмоқда. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Аввало, икки давлат ҳамкорлиги 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда пойтахтимизда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро сиёсий масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мамлакатларимиз икки томонлама ва БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Қозоғистон яқин қардош, асрлар давомида синалган шериклардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланмоқда.

Кейинги ойларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси 30 фоиз ўсиб, ўзаро янги маҳсулотлар етказила бошланди.

Интернет сайтларида келтирилишича, Ўзбекистон 2017 йилда Қозоғистонга 560 минг тонна ёки 410 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни мўлжалламоқда. Ўтган йили Қозоғистонга 307 миллион долларлик 482,6 минг тонна мева, сабзавот, полиз, узум, дуккакли ва қуритилган маҳсулотларни экспорт қилган эди. Бу 2015 йилга нисбатан 89,6 минг тонна ёки 23 фоиз кўпроқ демакдир.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида қўшни мамлакатга 22 минг тоннадан зиёдроқ (15,9 миллион доллардан ортиқ) ҳажмда янги ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Бундан ташқари, 3,35 миллион долларлик шарбатлар, жемлар, яхна ичимликлар ва консерваланган маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонда бўлиб ўтган давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмасида “Ўзбекозиқовқатхолдинг” корхоналарида ишлаб чиқарилган 300 дан зиёд номдаги янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, қандолат, гўшт-сут маҳсулотлари, ичимликлар тақдим этилди. “Ўзагроэкспорт” ихтисослашган ташқи савдо компанияси Қозоғистонда учта савдо уйини ташкил этди. Улар билан мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 40 миллион доллардан зиёд қийматдаги 10 та шартнома имзоланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг икки қўшни давлат — Туркманистон ва Қозоғистон давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилмоқда. Улар билан серқирра муносабатлар юқорида таъкидлаганимиздек, яқин қўшничилик ва стратегик шерикчилик асосига қурилган. Энг муҳими, бундай ишончли алоқалар келгусида кутилган натижани бериши шубҳасиз эканлигини айтиш лозим.

**Тоҳир ШОМУРОДОВ**

**БУ ТУРФА ОЛАМ**

## СУНЪИЙ АҚЛ ЯРАТИЛДИ




**“Microsoft” компанияси яқинда “ВО 365”нинг “Корректор” номли турли вазифаларни бажарувчи янги пакетини ишлаб чиқарди. У сунъий ақл ёрдамида ишлайди. Корректор панели стандартдаги “имло ёзиш” панели билан алмашади.**

Айни дамдаги “Ворд” одатда орфография ва пунктуацияни текширган бўлса, эндиликда стилистик хатоларни ҳам тўлиқ тўғрилаб боради. Унинг имкониятларига кўра, грамматик хатоларни икки кўк чизиқ, услубий нуқсонларни эса сариқ нуқтали чизиқлар билан белгилайди. Тизим бутун бошли гапнинг хатоларини белгилаб бориши баробарида грамматик ва пунктуацион нуқсонларни ҳам тузатади. Сўзларнинг қўлланиши бироз ишончсизроқ бўлса, гапнинг маъносини бузмаган ҳолда ўша сўзларни ўчириб боради. Бир қарашда бу оддий алгоритм бўлиб кўринса-да, “Ворд” сўзларни рўйхатдан аниқлайди. Ҳозир ушбу дастур тест синови тариқасида қўлланмоқда. Синовдан муваффақиятли ўтса, барча газетаю нашриётлар мушкулини осон қилади.

## ЙЎЛ ТИРБАНДЛИГИ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН...МИ?



**Сингапурдаги Наньян технологик университети компьютер мутахассислари йўллардаги тирбандликларга қарши курашишнинг янги алгоритмини яратди.**

Янги компьютер алгоритми ишлаши жуда оддий. Йўлнинг дастлабки қисми олинади ва унга номаълум миқдор — ўша қисмга йўналаётган автомобиллар сони қўшилади. Сўнгра янги йўналишлар яратиш ёрдамида йўлнинг бу қисмидан оқимни олиб ўтиш вариантлари ўйлаб топилади. Ғояга кўра, бу тирбандликлар вужудга келишининг олдини олиши керак.

Тирбандликлар ҳосил бўлмаслиги учун машиналар ўн фоизининг навигацион тизими оқимни назорат қилувчи ва алгоритм билан бошқарилувчи умумий тармоққа уланган бўлиши керак.

Дастур компьютер назоратида текширилганда ўринли экани исботланди. Ҳозир дастур яратувчилари тизимни мукаммаллаштириш мақсадида “BMW” компанияси билан ишламоқда. Ушбу тизимни йўлга қўйиш учун ягона муаммо алгоритм аниқ вақтда ишлай оладиган техникани яратиш бўлиб қолмоқда.

**Интернет материаллари асосида Б.МУҲАММАДИЕВ, Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

ЭЪЛОНЛАР

“NEW HOPE PROJECT” МЧЖ ўзининг устав жамғармаси миқдорини 138 968 000 сўмдан 28 968 000 сўмга камайтирганини маълум қилади. Шу муносабат билан даъво ва мулоҳазалар бўйича қуйидаги телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тел: +99899 814-59-14.

Тошкент шаҳри Миробод тумани Чехов кўчаси 32-уй, 84-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ИЛМ САРҲАДЛАРИДА**

# Хаёлийми ёки ҳаётий?!.

NASA Марсда сув борлиги ҳақида маълум қилганда, бу янгилик ҳаммани лол қолдирганди. Ўшандан буён кўплаб кашфиётлар қилиниб, улар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилди. Ҳозирги пайтда Қизил сайёрада иккита Марс роверлари фаолият олиб бормоқда. Сайёрани уч орбита қурилмаси назорат қилмоқда. Яқинда топилган топилмалар баридан қизиқ ва кенг жамоатчиликнинг қизғин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди.



### МАРСДА НОМАЪЛУМ АСКАР ЁДГОРЛИГИ ТОПИЛГАНМИШ

***Paranormal Crucible*** номи остида яширин фаолият юритаётган виртуал археологлар қўшни сайёрада учинчи одам кўринишидаги ҳайкални топди, деб хабар бермоқда “Комсомолская правда” газетаси.

Марс деворига гавдаси билан суянган ҳолда топилган кичик тош ҳайкал кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. NASA олимлари Қизил сайёрада изланишларини давом эттираётган “Curiosity” марсаходи юборган бир неча тасвир ичидан ҳайкал бор тасвирни илғаб қолишди. Ўзиюрар машинанинг турли тадқиқотларга мослаштирилган ускуналари сайёрадаги Гейл кратери ва унга яқин ҳудудлардан ҳаёт изларини — бактериялар ёки уларнинг қолдиқларини қидириб юрган эди. Ҳали олимлар эътиборини жалб этадиган кичик бўлса-да, шубҳали нарсалар топилмаган эди. Лекин ҳайкал тушиб қолган сурат ноанъанавий илм ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди. Айнан мана шу объектлар Марс тамаддунидан қолган биргина бўлса-да, ишончли манба бўлиши мумкин.

Топилган ушбу ҳайкал табиийки Қизил сайёрада ясалган ва бу қачонлардир у ерда мавжуд бўлган енгил иқлим, ўсимликлар, ҳайвонлар, аҳоли ва энг асосийси, сувдан дарак беради, деб ёзади нашр. Турли ҳисоб-китобларга кўра, қўшни сайёрадаги қулай ҳаёт тарзи бир неча миллион ва ҳатто миллиард йил олдин йўқ бўлиб кетган. Ҳаёт нишоналари бўлмасада, ҳайкалтарошлик санъати излари сақланиб қолганини NASA олимлари инкор этишмаяпти.

Виртуал археолог ҳисоб-китобларига кўра, ҳайкалнинг баландлиги 30 сантиметрга яқин. Ўрганишларга кўра, ушбу ҳайкалда кенг мантия халатли бақувват эркак тасвири берилган. Яна шуни айтиш мумкинки, мазкур топилма бизнинг сайёрадаги ҳайкалтарошлик стандартларига мос келади. Камера уни жангчи деб ҳисобламоқда. Ушбу маълумотга таяниб, марслик нотаниш аскар ёдгорлиги кашф этилди дейиш мумкин. Бошида дубулға ҳам кийган дея тасвирланаётган аскарни газета мухбири инкор этиб шундай дейди: ”Менимча, бу бош кийим эмас, марсликларнинг соч турмаги шундай бўлса керак”. Ёдгорлик суратини кўрган ҳар бир киши ўзича изоҳлаши табиий, албатта.

Paranormal Crucible ўтган йили ҳам саёранинг айни шу қисмидан баландлиги 15 сантиметрга яқин орқасини ***деворга суяниб ўтирган ингичка оёқ ва қўлли, кичкина бошли одамга ўхшаш ҳайкал*** топган, унга ҳақиқий марслик дея баҳо беришган эди.

Бироқ энг машҳур ҳайкал — ***“чўзилган қўл билан турган марслик”***ни бошқа бир робот — “SPIRIT” кашф этди. Ушбу сурат ўз вақтида деярли барча оммавий ахборот воситаларида шов-шувга сабаб бўлди. Машҳур тадқиқотчи Жозеф Скиппер ушбу тасвирни сўнгги технологиялар асосида катталаштириб, унга ишлов берди. Ана ўшанда ушбу ҳайкал аёл тасвири эканлиги барчага маълум бўлди. Мутахассислар ҳайкал баландлигини 30-35 сантиметр деб баҳолаган бўлса-да, Скиппер ҳайкални бундан-да баландроқ бўлиши мумкин, дея таъкидлади. Марслик аёл тасвири топилгандан сўнг уни кашф этган робот ўша ҳудудга бир неча бор қайтиб борди. Ва уни турли ракурслардан суратга олди.

Яқин кунларда олимлар учинчи — аскар ҳайкалини ҳам албатта атрофлича ўрганишади ва якуний хулосаларини билдиришади.

### МАРСДА КАРТОШКА ЕТИШТИРИШМОҚЧИ

Халқаро картошка маркази (CIP) мутахассислари Перуда Марсда яшовчилар учун картошка етиштириш лойиҳасини тасдиқлашди. Олимлар картошкаларни ўзга сайёра муҳити ва босимига ўхшаш герметик кублардаги тупроқда ўстиришяпти. Шу орқали ерлик меҳмонлар ўзга сайёрада одатий озиқларига эга бўлишлари мумкин.

2016 йилда ҳатто тезкор шароитларда ўсимликлар ўстириш ишларини тажриба орқали амалда исботлаган марказ мутахассислари айни кунларда Қизил сайёранинг қуруқ, тўлиқ туз қоплаган тупроғида ҳам ҳосил етиштириш устида бош қотиришмоқда. Картошка ўзга сайёра ҳудудига мослаша олиш-олмаслигини текшириш мақсадида олимлар ва Лима муҳандислик-технология университети мутахассислари ҳамкорликда тажриба учун бир контейнер ясашди. Ва унга Перу жанубидаги Пампас де ла Хойя чўлидан Марс тупроғига ўхшаш қуруқ, туз миқдори кўп тупроқ олиб жойлашди.

Марс атмосферасининг 95 фоизи карбонот ангидрид ва 1 фоизга яқини кислороддан иборат. Олимлар контейнер ҳароратини Марсникига мослаштиришди. Қизил сайёрада кеча ва кундуз алмашинувига ҳам эътибор қаратишди. Тупроқ озиқ моддаларига тўйинган сув билан суғориб турилди. Натижада олимлар турли оғир шароитларда картошканинг қандай ўсиши ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлишди. Энг чидамлиларини аниқлаш имконияти туғилди ва уларнинг ўсиш жараёни видеоёзувларга муҳрланди.

— Марсга ўхшаш шароитда картошка етиштириш — тажрибамизнинг асосий қисми, — дейди университет тадқиқотчиси Хулио Валдивия-Силва. — Бундан ташқари, биз унинг ўсиши учун энг минимал талабларни қидиряпмиз.

Тадқиқотчилар шу тариқа келгусида ерликлар марсга борганда озиқ-овқатдан қийналиб қолмасмикан, дея ташвиш чекишмоқда.

Хуллас, мана шунақа гаплар. Олимларнинг Марсда ҳаётни йўлга қўйиш ҳақидаги орзу-хаёллари ҳақиқатга айланадими ёки шунчаки лойиҳалигича қоладими — буни вақт кўрсатади.

**Гўзал МАЛИКОВА тайёрлади.**

# ҲАР КИМ ўз масъулиятини англаса...

Ҳаётда турфа воқеаларга дуч келамиз. Бир аёл келиб: "Эрим менга хиёнат қилаётганини сезиб қолдим, — дея гап бошлади. — У билан айтишиб хулуъ *(ажрашиш учун аёл тарафидан ташаббус кўрсатилиши)* сўрадим. Эрим ҳеч нима демай ишга кетди. Кечқурун келганида жанжал кўтардим. У ғазабланиб: "Лаш-лушингни кўтариб кетавер!" деди. Мен унга: "Бу гап билан нима демоқчисиз? Талоқми? Мард бўлсангиз, очиқ-ойдин айтинг!" дедим. Охири: "Ҳа, талоқ қўймоқчиман, талоқсан, энди қутулдимми?" деди".

Аёлнинг гап-сўзидан, шариатдаги хулуъ тушунчаси ҳақида бирмунча хабари борлигини билдириб қўйди. Лекин у мендан нимани сўрамоқчи? Шу билан қизиқдим.

— Мен шу ҳолатда хулуъ қилган бўламанми ёки йўқми? Маҳрни қайтариб беришим керакми ёки йўқми? Шуни аниқлаштирмоқчиман, — деди.

— Сизнинг мақсадингиз арзимас мол-дунё бўлган маҳрми? Оилангизнинг барбод бўлгани, дунёга келажак фарзандингизнинг (у ҳомиладор экан) тирик етим бўлиб дунё юзини кўриши сиз учун муҳим эмасми? — дедим, шояд қилмишидан афсусланса, деган ниятда. У индамади...

Кишининг диний илмлардан бохабар бўлиши жуда яхши. Бироқ жамиятда мана шу аёлга ўхшаб бирор масала ҳақида чала ярим маълумотга эга бўлиб олиб, ўша чала билганларини амалга татбиқ этишидан-да хатарлироқ ҳолат бўлмайди.

— Кечирасиз, — дедим аёлга, — сиз бундай масалаларни қаердан ўргангансиз?

Кутганимдек, у бир-иккита китобнинг номини айтди.

Унга: "Сиз мазкур китоблардан ўзингизнинг ҳуқуқларингиз тўғрисидаги маълумотларни жуда яхши ўқиб, ўзлаштириб, ҳаттоки ҳаётингизга татбиқ этиб ҳам бўлибсиз, хурсандмисиз? — дедим. — Ундан кўра ўша китобни тўлиқ ўқиш керак эди, эрингиз олдидаги хотинлик масъулиятингиз борасидаги маълумотларни ҳам ўқиб, ўзлаштириб, бутун вужудингизга сингдириб, унга амал қилиб яшаганингизда ҳозир бошингизга мана шундай ғавғолар, балолар ва кулфатлар тушмасди. Ҳар бир эр ўз хотини учун дунёдаги энг буюк инсон эканини, унинг розилиги ва дуоси хотин учун сув билан ҳаводек зарурлигини ўрганмаганмисиз?

Бундай мисоллар кўп. Ачинарлиси, оилаларнинг бузилиб кетаётганида эркаклар ҳам ташаббус кўрсатмоқда. Чунки айрим ака-укаларимиз оиладаги эрлик масъулиятини адо этишни мутлақо унутиб, кўп нарсани хотиндан талаб қилишга ва уни беминнат чўри-хизматкорга айлантиришга интилади. Жумладан, "Оилада эрнинг айтгани — айтган, дегани — деган бўлиши керак", "Эр рози — Худо рози", "Эр доимо хотиндан бир поғона юқори туради" деган баландпарвоз сўзларни шиор қилиб, уни суиистеъмол қилаётган эркаклар кўпайиб боряпти. Аслида бу жумлалар эрига итоат этмайдиган саркаш хотинлар учун айтилган. Солиҳа, мўмина, одоб-ахлоқли, ҳаёли, вафоли, садоқатли, меҳнаткаш оила бекалари бўлмиш аёллар устидан золим, адолатсиз, ҳамиятсиз, ориятсиз эрлар жабр-ситам, қаҳр-ғазаб ва тажовузкорлик ила бўйсундириш учун айтилган гап эмас. Ҳар қандай жамият, ташкилот, муассаса, ўқув даргоҳи ёки бошқа жойларда бир шахс иккинчисига нисбатан бўлган ўз масъулиятини адо этса, ўша жойда тинчлик, хотиржамлик, осойишталик ва файзу барака рўёбга чиқади.

Аксинча, ҳар қандай жойда бир шахс иккинчисига нисбатан ўз масъулиятини адо этиш ўрнига ўзини устун қўйиб, ҳаққини талаб қилиб тураверадиган бўлса, ўша жойда нотинчлик, хусумат, низо, ҳасад ва албатта, ҳар хил фитналар урчиб, алал-оқибат парокандалик ва ажралиш рўёбга чиқади.

Оилада эр ўзининг хотини олдидаги, хотин эри олдидаги вазифа ва бурчларини бажармаса, нима бўлади?..

Узоқ тарихимизга эмас, балки бир асрлик ўтмишимизга назар солсак, бобо-момоларимизнинг қўша қариб, бахтли ҳаёт кечирганининг гувоҳи бўламиз. Албатта, бунинг сабаблари кўп. Лекин шулардан бири улар ҳеч қачон бир-бири билан ҳақ-ҳуқуқ талашмаган. Шу даражада самимий бўлишганки, оиладаги ҳуқуқлари тўғрисида ўйлаб ҳам кўришмаган. Содда ва соф тасаввурларида оиладаги барча машаққат, қийинчилик, мусибат ва кулфатларни енгиб ўтишда "Бу сенинг вазифанг, сенинг масъулиятинг, бунга сен жавоб беришинг керак" ёки "Бу менинг вазифам эмас, менинг масъулиятимга кирмайди" деган сўзларни айтиш умуман шармандалик, ҳаёсизлик ҳисобланган. Балки эр-хотин биргаликда тоғ келса — емириб, сув келса — симириб, барча қийинчилик ва хурсандчиликларни баҳам кўрганлар. Бир-бирлари учун том маънодаги суянчиқ, кўмакдош бўлганлар.

Нима учун улар бир-биридан ҳақ-ҳуқуқ талаб қилмаган? Жавоби оддий. Яъни қайси жойда масъулият, бурч ва вазифалар сидқидилдан адо этилса, ўша жойда ҳақ-ҳуқуқларни талаб қилишга ҳожат қолмайди. Балки масъулиятнинг муқобилида ҳақ-ҳуқуқлар ўз-ўзидан рўёбга чиқаверади. Оиладаги ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳам айнан шунга боғлиқ. Яъни фарзандларга "Ота-онангдан ўз ҳаққингни талаб қил, агар сенга зулму ситам қилса ва сен хоҳламаган ишларга мажбурласа, керакли ташкилотларга шикоят қил", деб таълим бермасдан, "Ота-онанг олдидаги фарзандлик бурчингни адо эт, жаннат онангнинг қадами остидадир, ота рози — Худо рози, ота-она дуосини олган фарзанд кўкаради, ота-онасини эъзозлаганни жамият эъзозлайди, ҳар қанча хизмат қилсанг ҳам, ота-онангнинг сенга қилган хизматларининг бир қисмини ҳам адо этолмайсан, ота-онанг устидан ҳеч кимга шикоят қилма, акс ҳолда, уларга оқ бўласан" деган таълимотларни ўргатиш керак. Ана шунда кишилар ўртасида дину диёнат, миллийлик ва маънавият, шарқона урф-одатларимиз ривожланиб боради, ўзлигимизни унутмасдан уни бус-бутун сақлаб қолишимизга имконият бўлади.

**Исҳоқжон БЕГМАТОВ,**
**Тошкент Ислом институти ўқитувчиси**

**МУЛОҲАЗА**

Бугунги кунда юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 январда қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Мазкур фармойиш қабул қилингандан сўнг аҳоли, айниқса, ёш авлод орасида китобга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, бу тафаккур гулшанининг инсон камолотида алоҳида аҳамият касб этишига каттаю кичик ишонч ҳосил қилмоқда.




# КИТОБХОННИ ИЗЗА ҚИЛМАНГ!

Бироқ айримлар ҳали-ҳануз китобнинг бой маънавий хазина эканлигини тўла тушуниб етмагани кишини қаттиқ ташвишга солади. Бунга ҳаётимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бир куни жияним билан "Кинотеатр" телеканалида "Шабнам" бадиий фильмини кўриб ўтирган эдик. Фильмдаги баъзи эпизодлар ёқмагани учун унга: "Сен яхшиси дарс тайёрлай қол", деб топшириқ бердим, ўзим телевизор товушини пасайтириб томоша қилишда давом этдим. Аммо жиянимнинг кўзи китобда-ю, хаёли экранда эди.

– Тоға, кўп китоб ўқисам, мен ҳам анавига ўхшаб қоламанми? – деб сўради у кутилмаганда экрандаги йигитга ишора қилиб.

– Кимга? – таажжубланиб сўрадим.

– Анави довдирга-да.

Фильм қаҳрамонларидан бири машинасида кўзойнакли, китоб-дафтар қўлтиқлаб олган йўловчини уриб юборишига бир баҳя қолади, камига уни ҳар хил бепарда сўзлар билан изза қилади.

– Дарсингни қил, – дедим унинг эътиборини китобга қаратишга уриниб, ўзим эса бу ҳолатни қандай изоҳлашни билмасдим.

Аслида бу фильм анча йиллар аввал суратга олинган. У вақтда киноижодкорларимиз китобнинг қадрини балки бугунгидек теран тушуниб етишмагандир. Лекин Миллий телерадиокомпаниямиз "Ўзбеккино" Миллий агентлигидаги тегишли ходимларнинг эътиборидан четда қолган ана шундай мазмундаги фильмларни эфирга узатишда бугунги давр талабини ҳам ҳисобга олса бўлади-ку.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда яратилаётган бадиий фильмлар, спектакллар ва клипларда китобга меҳри баланд инсонларни бир аҳвол қилиб кўрсатиш урфга айланиб қолган. Ўйлаб кўрайлик, зиёли киши образига бундай ёндашув томошабинда қандай таассурот уйғотиши мумкин? Бу ҳол эндигина ҳаёт ҳақидаги тасаввурга эга бўлаётган ёшларимиз онгида китобга, илмга нисбатан нотўғри қарашларни юзага келтиришга ёрдамлашиб юбормайдими?

Яна бир мисол. Эстрада хонандаси Дилсўзнинг "Мени эслама" қўшиғига олинган клип ҳам мана шундай сюжет асосига қурилган. Унда илмга қизиқиши кучли бўлган бир қизни синфдошлари роса масхара қилишади. Масалан, ошхонада ҳам у билан ҳеч ким бирга ўтиришни истамайди. Ҳатто бўшаган идиш-товоқларни унинг столига қўйиб кетишади. Клип сўнгида худди шу қиз ўзига оро бериб, саҳнага кўтарилади, ҳеч кутилмаганда қўшиқ куйлай бошлайди-ю, бояги олифталарнинг у ҳақдаги фикрлари бутунлай тескари томонга ўзгариб кетади.

Қаранг, киши илмга берилса, кулгили эмишу, истеъдоди бўлса-бўлмаса, қўшиқ айтса, ҳурматга лойиқ эмиш. Бу нима деган гап ўзи? Бундай ёт қарашлар қаердан келяпти?

Ёки Баҳриддин Зуҳриддиновнинг "Уйланганга маза бўлар" (қўшиқнинг номига эътибор беринг!) қўшиғига олинган клипда, шунингдек, бошқа бир қанча эстрада хонандаларининг клипларида ҳам шунга ўхшаш лавҳаларга гувоҳ бўламиз.

– Психология назариясида ҳар бир инсоннинг феъл-атворини алоҳида изоҳлаб берадиган бўлим йўқ, – дейди психология фанлари номзоди Лутфилла Турсунов. – Чунки ҳар бир одам ўзига хос характерга эга. Масалан, экранда кўзойнак таққан, китоб, дафтар, қўлёзмалар кўтариб олган киши образи намойиш этилса, биламизки, бу инсон зиёлидир.

Аммо кейинги пайтларда ана шундай кишиларни китоб оламига шўнғиб, ижтимоий ҳаётдан узилиб қолган, юриш-туриши, кийиниши, гап-сўзига эътиборсиз ва журъатсиз бир қиёфада тасвирлаш одатга айланмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: аслини олганда, инсон қанча кўп китоб мутолаа қилса, шунча маданиятли бўлмайдими? Ҳар бир сўзини мулоҳаза қилиб, кейин баён этмайдими?

Ҳаётда бундай инсонлар ўз темпраментини тўғри йўналтириб, характерини янада сайқаллаб боради. Тўғри, уларда одатий бўлмаган, ўзига хос характер шаклланади, лекин бу атрофдагиларни улардан узоқлашишига эмас, аксинча, қизиқиш, ҳавас билан қарашига сабаб бўлади.

Юқоридаги каби ҳолатлар жамият ҳаётида қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Биринчидан, айтиб ўтилган касб эгаларига нисбатан паст назар билан қарашни шакллантиради. Иккинчидан, ёшлар онгида "Мен ҳам китоб ўқисам, шундай бўлиб қоламан", деган нотўғри фикрни шакллантириб, илм олишдан совитади. Учинчидан эса, уларнинг келажакдаги эзгу режалардан чалғитиб, жиноят кўчаси сари етаклайди.

Яна бир савол, китобхонликни ривожлантириш, халқимизнинг маънавий камолотини ўстириш йўлида астойдил ҳаракат қилинаётган бир пайтда бундай ҳолатлар уларни китобдан узоқлаштириб қўймайдими? Айтинг-чи, мисол учун "Бойвачча" фильмидан сўнг кўзойнак таққан кишиларга "лупа" деб лақаб қўйиш ёшларимиз орасида "мода"га айланмадими?

Шу билан бирга, айрим спектаклларда ҳам мана шундай саҳналар кўзга ташланаётганига нима дейиш мумкин? Муқимий номидаги мусиқали драма театрида қўйилган "Юрагимни алмаштираман" спектаклида шоир образи бесўнақай, қатъиятсиз бир одам қилиб тасвирланади.

Санъат онгу шууримизни покловчи, маънавий-маърифий баркамолликка етакловчи хилқатлардан биридир. У орқали барча инсонларнинг қалбига, тафаккурига йўл топиш мумкин. Лекин ана шундай табаррук соҳанинг имкониятларидан доим ҳам тўғри фойдалана оляпмизми? Ёки ижтимоий ҳаётимизда биз ҳавас билан қараётган, ҳамма учун ўрнак бўла оладиган замонамиз қаҳрамонларининг образлари яратиляптими? Фикримизча, экранда ҳам, саҳнада ҳам бор диққат-эътиборимизни мана шу муҳим инсоний жиҳатларга қаратишимиз керак.

**Санжар ЭШМУРОДОВ**
**"Hurriyat" мухбири**

**БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ**

***— Хусусий корхонага мутахассис бўлиб ишга кирмоқчиман. Корхона раҳбари иш вақти ва дам олиш вақтини ўзи мустақил белгилашини ҳамда ҳафтада олти кун камида саккиз соатдан ишлаш лозимлигини айтмоқда. Хусусий корхоналарнинг иш вақти қандай тартибда белгиланади?***

Тошкент вилоятидан О.Абобакиров.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-моддага мувофиқ ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, хусусий корхонадаги иш вақти ҳам юқоридаги иш вақтининг нормал муддатига тўла мувофиқ бўлиши лозим.

***— Ташкилотда иш вақтидан ташқари ишга жалб қилинмоқда, шу тўғрими?***

*Зангиота туманидан А.Тоиров.*

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 124-моддасига мувофиқ ходимларни кундалик иш муддатидан ташқари ишга жалб қилиш тартиби белгилаб қўйилган, бироқ ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Шу билан бирга, иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек, меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

***— Иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддати ҳақида маълумот берсангиз?***

*Янгийўл туманидан Н.Валиев.*

— Амалдаги Меҳнат кодексининг 125-моддасига мувофиқ иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда — бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бунда, иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан, иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

**Саволларга Янгийўл тумани ДНИ нотариуси Розия ҚУРБОНОВА ва Зангиота тумани ДНИ нотариуси Нигора МАДАМИНОВА жавоб берди.**

**ТАҲЛИЛ**

# ҲУР ФИКР

**ХХ аср ва истиқлол даври ўзбек болалар адабиётини Анвар Обиджон ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. У ҳар қандай мавзуни ёритишда бола қалбига мос оҳанг топадиган, давр руҳини акс эттириб, айни пайтда асарига қизиқарли услуб, ўзига хос жило бера оладиган шоир, адиб ва драматургдир. Айниқса, замон билан ҳамнафаслик, жаҳон адабиёти анъаналарини ўзбек болалар адабиётига сингдириш, жумладан, болалар насрида ҳам модернистик образ ва деталлар яратишда миллий оҳангларни уйғунлаштириб талқин этиш ҳам унинг ижодига хос тамойилдир.**

Адибнинг "Даҳшатли Мешполвон", "Олтин юракли Автобола" асарлари ёки "Аламазон ва унинг пиёдалари", "Ялтироқ тугма" дилогик қиссалари шу жиҳатдан ўзбек болалар адабиётида янги воқелик бўлди. Бу асарлардаги образлар ҳам шу куннинг қаҳрамонлари. Ва улар оддий бола эмас: даҳшатли Мешполвон, ғаройиб, оловқалб Аламазон ёки темиртан Автоболадир. Улар тиниб-тинчимасгина эмас, озодлик ва ҳақиқат учун, ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқи учун курашувчан, жасур ҳамда эркпарвар болалар. Адиб шу сабабли "Аламазон" туркумидаги қиссаларини ёш авлодга, аниқроғи *"она юртнинг жасур фарзандларига"* бағишлаган.

"Аламазон ва унинг пиёдалари" қиссасининг бош қаҳрамони — Аламазон. У тошқаликлар шевасида гуркираб ёнаётган гулханни англатади. Аламазон ёшлигиданоқ китобга меҳр қўйиб, жаҳон болалар адабиётидаги тенгдошлари Чипполино, Буратино, Том Сойер, Гек Финни, ўзбек халқ достонларидан Равшанбек, Алпомиш каби қаҳрамонларни саводи чиққандан буён танийди, шунингдек, ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналаридан баҳрамандлиги аёнлашади. Аламазон бу китобларни шунчаки ўқиш билан чекланмай, улардан таъсирланиб, дўсти Эшмат билан хазина қидириб топиш, топганда уни нималарга сарфлаш ҳақида режа тузади. Аввало, яйлов этагида ўн минг ўриндиқли стадион, кўп қаватли уйлар, мармар деворли каттакон чойхона қуриш, кўчаларга асфальт ётқизиб, кўприкни янгилаш, умуман, қишлоқларида замонавий иншоотлар барпо этишни ўйлайди, ҳатто бутун умри бошланғич синфларга дарс бериш билан ўтган Аҳмадали отага атаб терак бўйи ҳайкал ўрнатмоқчи бўлади.

Ёзувчи бу асарни 1976 — 78 йилларда ёзганига эътибор берилса, унинг долзарблиги ва келажакни ёрқин тасвирлай олиш маҳорати янада ойдинлашади. Айниқса, болалар китобхонлигида ҳикмат кўплиги Аламазоннинг уйғоқ тафаккури билан кўрсатиб берилган. Қиссадаги воқеалар эртакларга хос саёҳат, туш кўриш, тилсимланиш мотивлари ёрдамида тасвирланади. Гоҳ илмий-фантастик, гоҳ реалистик бўёқларда бадиий талқин этилган ҳикоялар заминида ҳаёт ҳақиқати ётади, албатта. Аламазон тоғаси профессор Оғабек Турконий олиб келган антиқа дори — уни татиб кўрганда киши худди эртаклардагидек мурод-мақсадга етишига қизиқиб қолади: буни ўзи ва ўртоғи Эшматда синаб кўради. У Жек Лондоннинг "Уч қалб" китобидаги қаҳрамонлар, уларнинг ғордан топган беҳисоб хазиналари ҳақида хаёл суриб юрганидан, ўзларининг Жандағорида ҳам "хазина бижиб ётган"ига ишонганидан, дори таъсирида ухлагач, тушида Зимистонсарой орқали Юлдузистонга келиб қолади. У ерда Ҳумо Хартум, Қўтирлар сулоласи, Исқиртлар мамлакати ва улар бошқарган тузум ҳамда одамларга дуч келади. Тиртиқ, Шилпиқ, Қўтир Бешинчи, Малика Мастон, Идрик Иброҳим, Барри Барака, Фисқиддин Макру Мараз, Исом Итту Искабтопар, Ҳошим Ҳезиддин Хум каби исмлариёқ уларнинг ташқи кўриниши, касб-кори ва феъл-атворини билдириб турувчи кишилар билан танишади. Бу юртда Қўтирлар сулоласи тугаб, Исқирт Биринчининг тахтга ўтириш маросими жарчи тилидан шундай баён қилинади:

"— Ҳе-ҳе, ҳе-е-е-ей! Эслилару нодонлар, хафалару шодонлар, гўнг ҳидлаган чўпонлар, гул ҳидлаган жувонлар, эшитмадим демангларо-о-ов! Исқирт Биринчи падари олийлари мамлакат аҳолисига катта ғамхўрлик кўрсатиб, бугундан эътиборан уларни ювиниш ва чўмилишдек мушкулотдан бутунлай озод қиладилар... Қасддан ювинаётган ёки чўмилаётган пайтда қўлга туширилган балиқпадарлар эса хавфли ғалаёнчи сифатида ачиган зиндонга ташланадилар".

Болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари тасниф қилинганда унинг икки йўналишли экани, болалар учун асар сюжети, катталарга эса ғояси муҳимлиги таъкидланади. Мазкур асар каттаю кичик китобхонга бирдек хизмат қила олиши шундан. Китобхон болалар асар қаҳрамонларининг исмларидан, хоқон Исқирт Биринчи ювинишни ёмон кўргани учун бутун мамлакат исқиртликка юз тутишидан, унга хизмат қиладиган Дуторий сингари шоирларнинг "Ювилмаган бетингиз мунча чиройли, Моғор босган этингиз бунча чиройли, У ёнингиз кир эрур, бу ёнингиз кир..." қабилидаги шеърлар битиб, иркитликни оммалаштиришга ҳисса қўшишидан мириқиб кулса, етук тафаккурли инсонлар бу киноялар остида зил-зимбил дарднинг мажозий тасвири акс этганини яққол англайди. Шу маънода асардаги Юлдузистон, Аждаробод, Елкантоғ, Тандир, Жандағор, Иссиқғор, Кўчқорсой каби жой номлари ҳам рамзий тамсиллардир.

Асардаги жой номлари бирор географик харитада учрамайди. Буларнинг кўпчилиги муаллиф топилмаси. Ҳар бир ифода ва образ талқинида рамзийлик устувор. Қаҳрамонлар ўзи туғилиб ўсган қишлоқ, юрти тарихини, улуғ мутафаккирлар қолдирган маънавий меросдан баҳраманд бўлишни жуда-жуда хоҳлайди, динини чала-чулпа биладиган, ўтмишидан хабарсиз, сохта, исқирт доҳийлар бошқаруви туфайли нопокликка юз тутган мамлакат қачондир ёруғликка чиқишига ишонишади. Бунда Ҳумо Хартум алоҳида ўрнак бўлади. Зотан, Аламазон уйқудан уйғонса ҳам ғордаги одамларни Ёруғ дунёга бошлаб боришга ваъда беради:

"— Азизларим, менга ишонинг, мен барибир сизларни ёлғиз қолдирмайман. Сизларни, сиз билан бирга Юлдузистондаги ҳамма одамларни қоронғи ғордан етаклаб чиқаман...".

Асарнинг бош ғояси — Ёруғ дунёга чиқиш. Бу сўз замирида нима ётгани энди барчамизга маълум. Аммо асар ёзилган вақтда чиндан ҳам ўша "Қора туйнук" қачон очилиши номаълум эди. Истиқлол туфайли Ҳумо қуши халқ бошига қўнди. Натижада, авлод-аждодини танимай улғаяётган Юлдузистон фарзандлари ниҳоят "Зимистон сарой"дан қутулганига амин бўламиз. Ёруғ дунё нафақат бугунги кунимиз, балки кенг дунёга интилиш, танилиш тимсоли ҳамдир.

"Олтин юракли Автобола" (1985) эртак-қиссаси ҳам давр нафасини ўзида ёрқин акс эттирган асарлардан бири. Эртак-қисса собиқ мустабид тузум даври болалар адабиётининг мавжуд "қолип"ларига чек қўйиб, жаҳон илмий-фантастикаси, ўзбек мумтоз абиётида кузатилган ноанъанавий фантастик образ яратиш, тафаккури янгиланаётган замон руҳини болалар адабиётида намоён бўлиши далилидир.

Эртак-қиссадаги етакчи образ — Автобола, оддий эмас, олтин юракли робот бола. У айёрликни мутлақо билмайдиган, тўғрисўз, соддадиллик, меҳрибонлик ва покизалик тимсоли. Мухбирлардан бирининг шов-шувли ҳодиса ҳақидаги саволига профессор Камтарий жавобидан бу робот фикран баркамол автоодам эмас, балки жамият олдидаги бурчини ҳали чуқур ҳис қила олмайдиган кибернетик Автобола экани, мустақил фикр-лаш қобилияти чеклангани, унга мунтазам йўл-йўриқ кўрсатиб туриш жоизлиги англашилади.

Анвар Обиджон асарда эзгуликка йўғрилган болалик оламини ўз манфаати йўлида ёвузликка бошлаган жамият муносабатини ифодалайди. Бекхўжанинг отаси бир вақтлар пахтачи бой бўлган. Ҳокимият "қизил"ларга ўтгач, у бор бисотини туяларга ортиб, тўнғич хотини ва болаларини эргаштириб, узоқ юртга бош олиб кетади. Кенжа хотини қаттиқ шамоллаб ётгани сабабли олти ойлик ўғли Бекхўжа билан ша-

# МУЛОҚОТ — ҲАҚИҚАТ ИБТИДОСИ

**ФИКР**

Дунёнинг энг кенг, энг файзли кошонаси ҳаётдир. Шу билан бирга, энг сирли, баъзан эса энг мубҳам, яъни ёпиқ майдони ҳам ҳаёт. Умр чорраҳаларида ҳаёт кимни қандай қаршилаб, кимга нима инъом айлашини башоратчи одам ҳам кўпинча билолмайди.



Нима бўлмасин, қанақа ўзгариш ё эврилишлар юз бермасин, одам қавмини ҳаёт ҳамиша ўз "хусусий" ҳақиқатларига инонтириб, ҳукмларига иқрор этади. Ўзбекистоннинг янги Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳаёт ва замоннинг биринчи даражали вазифаларини бажаришда ташаббус ва фаоллик кўрсатиши ҳам бежиз эмас.

Жаҳон саҳнасида нима кўп — мураккаб ва қалтис ижтимоий-ахлоқий, мафкуравий муаммо кўп. Ақл, журъат, тадбир билан уларнинг ҳаммаси ҳал бўлади. Шу маънода ҳам Президентнинг ғайраткорлик тажрибаси катта-кичикка ибратдир. Юртим, элим дея оладиган киши ич-ичдан фаол бўлмоғи, қатъият билан яхшини — яхши, ёмонни — ёмон, оқни — оқ, қорани — қора дейиш даражасида холис сўзлашга етишмоғи жоиз. Бунинг учун, шак-шубҳасиз, ҳар бир фуқаро фикр ва савия қолоқлиги, қуллик ва мутелик таҳликаси, амалпарастлик ва сохта ватанпарварлик ҳийла-найрангларидан қутулиши керак.

Доништабиат одам дунёни нафс ва тама бузишига ҳеч шубҳа қилмайди. Мансаб, мартаба, шон-шуҳрат, бойлик илинжида миллатсеварлик, фидойилик ролини "ижро этувчилар" йўлини қатъиян тўсмоқ зарур. Ва бу Ғарб файласуфларидан бирининг "Миллиятчилик — олчоқларнинг сўнгги бекати" деган гапи асосли эканини тасдиқлайди. Демоқчиманки, миллий онг, миллий шуур ва миллий мафкура тақдирига бутун борлиғи ила ўзини жавобгар ҳис қиладиган халқ ё миллат ўзига танқидий қарай олиш малакасига сира шикаст етказмаслиги лозим. Бу — ҳаёт-мамот масаласи.

Минг афсуски, ўтмиш тарихимизда айни шу жиҳатдан нокислик, оқсоқлик кўп бўлган. Фойдали ва ибратли хулосалар чиқариш учун уларни албатта хотирадан четлаштирмаслик зарур.

Ўтган асрнинг бошларида оташнафас шоир Аваз Ўтар "Халқ" радифли шеър ёзиб, "Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ", деб фарёд чеккан. Ва бу фарёд ҳавойиликдан ҳам, бадбинликдан ҳам фориғ эди. Орадан ярим асрдан зиёдроқ вақт кечгач, улкан шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Қачон халқ бўласан, эй сен — оломон?!" дея кўндаланг ташланган саволида ёлғиз Аваз, Фурқат ё Муқимийларнинг эмас, Фитрат, Қодирий, Чўлпонларнинг ҳам кўксини тилган миллий кулфатларга ишорат бор эди.

Оломончилик, тўдачилик, маҳаллийчилик, манманлик бош кўтарган жойда миллатнинг миллат ўлароқ илдамлашига ғов бўладиган ижтимоий-маънавий ҳийла-найранг ва риёкорликларга ўз-ўзидан йўл очилаверади. Ташқи ғанимдан ҳам бу — хавфли. Умуман олганда эса, халқ аталмиш мавжудликнинг табиатида сифат ўзгариши анча секинлик билан юзага чиқадиган ҳодисадир. "Барча кулфат шундаки, — деган эди ўзбекнинг яна бир унутилмас шоири Эркин Воҳидов, — бизда баландроқ курси, мўмай мукофот ёхуд депутатлик нишони ваъда қилинса, миллат, халқ, ватан тақдирини унутиб қўядиган элдошларимиз кўп." ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990 йил 13 июль).

Бунақа корчалонлар сони илму ижод кишилари орасида ҳам гоҳ кўпайиб, гоҳо камайиб туриши кўпчиликка сир эмас. Ёмон томони эса, нафсу ҳаво, маддоҳлик ва хушомад билан эришилган "муваффақият"нинг энди-энди тўғрилик ҳисси куртаклаётган ёшлар, ўсмирлар тарбияси ҳамда ишонч-эътиқодига бағоят салбий таъсир ўтказишидир. Тўғри, ватан ва миллат қисмати учун куйиб-ёниш, ҳеч бир ғараз ё иддаосиз жонбозлик кўрсата билиш аслида қондан қонга, авлоддан авлодга мерос ўтадиган покиза туйғу, ноёб хислат бўлса-да, уларни ижтимоий муҳит, ҳар турли муносабат, фикр-қараш таъсиридан йироқ ҳолда тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Шундай пайтларда адабиётнинг кучи ва халоскорлиги тамоман бошқача бўлади.

Элимиз Навоий асарларини, ҳарқалай, ўқиб-ўрганади. Навоий даҳосига меҳр-муҳаббат изҳор этувчиларнинг-ку сони етиб ортади. Бироқ ориф, мутафаккир Навоий фикрларининг мағзини чақиб, ҳамма вақт ҳам мушоҳада юритишга кунт қиладиганлар барибир сийрак учрайди. Ваҳоланки, Навоийга таянилса, ҳар қанақа жумбоқ ё зиддиятнинг ҳам илдизи очилади. Илдиз, яъни туб моҳиятга томон бориш эса кишининг эшитиш маданияти, муҳокама қобилияти ва тасаввур имкониятларининг юксалишига яқиндан ёрдам беради.

Дарвоқе, давлат ва миллатнинг бутунлиги, парчаланмаслигини кўзлаб, уруғ-аймоқчилик, тўдакашлик, қабилавий жаҳолат ҳамда маданиятсизликнинг давоми бўлмиш маҳаллийчиликка қарши Навоий аёвсиз курашган. Айни шу сабабдан ҳам у "аҳли суврат" — фақат кўриниши одамга ўхшаш бандаларга подшоҳ бўлишдан, "аҳли маъни" — илмли, маърифатга ошно, фикри очиқ, энг асосийси, ҳайвоний ва шайтоний ҳирслар хуружидан фориғ тоифанинг гадоси бўлишни афзал ҳисоблаган. Ва инсонийлик шарафи, баркамоллик талабларига жавоб беришга қодир Шахслар тийнатини назарда тутиб:

*Одами эрсанг демагил одами,*
*Оники йўқ халқ ғамидин ғами,*

деган. Навоийдек донишманд, ижодкор ўзлигини танимаган, демакки, эл-юрт ғаму ташвишини бир чақага ҳам арзитолмайдиганларга шундай сўзлар билан мурожаат этиши мумкинмиди? Гап шундаки, байтдаги **"халқ ғами"** ибораси кенг қамровли бўлиб, халқни — халқ, миллатни — миллат мақомига юксалишига ҳар бир зиёли, илғор ва фидойи киши ўз ҳиссасини қўшиши керак, деган ҳақиқатни ҳам ўз ичига олган.

Ўтган йили сайловчилар билан бўлган учрашувлардан бирида президентликка номзод Шавкат Мирзиёев Навоийнинг юқоридаги байтини хотирлаб, "халқ" тушунчасини оддий, меҳнаткаш, ҳалол инсоннинг эмин-эркин ва бахтли ҳаёт кечиришидан ажратмаслик кераклигига урғу берган эди. Айни пайтда, хусусан, амалдорлик тизимидаги лоқайдлик, кўзбўямачилик, қоғозбозлик, амалпарастликлар халқ юкини асло енгиллатмаслигини ҳам далил тилида таъкидлаб ўтди. Демак, Навоий шоҳбайтидаги "халқ ғами" иборасини воқелик билан алоқадорликда фикр қилсак, оддий, заҳматкаш, меҳнатсевар одамларнинг моддий ва маънавий ҳаёт манзаралари бизга янада ёрқинроқ кўринади. Раҳбар тоифанинг элдан ажралиб қолишига барҳам бериш, сўзда эмас, амалда элга яқинлашиш, фуқаро манфаатининг дахлсизлигини кафолатлаш долзарб масала эканига шубҳаланувчилар сони, хайриятки, камайиб бораётир. Адолат, инсоф, ҳамжиҳатлик нуқтаи назаридан бу — катта ютуқ.

Модомики, гап халқ дарди ва халққа чин ғамхўрлик ҳақида экан, китоб нашри сифати ва китобхонлик маданияти, илм-фан равнақи ва олимлик қадри ҳамда рутбаси, адабиёт ва чин ижодкор мавқеини кўтаришга астойдил киришилганини сўзламай бўладими?! Қолаверса, жонажон, заҳматкаш элинг, беғараз ва танти қавмдошларинг ҳаёти ва толеида қувонса арзирли ўзгаришлар, умидбахш натижаларни кўриб, билиб, мум тишлаб, ўз қадрдон соҳанг бўлган илм-фан ва аҳли илмга кўрсатилган ғамхўрлик, жавонмардликка самимий миннатдорлик билдирмаслик мумкин эмас, албатта. Миллион-миллион халойиқни аввало нима илҳомлантираётир? Мустақилликка хос очиқлик, ошкоралик, фикрлашдаги эркинлик. Сув билан ҳаводай зарури ҳам шу-ку!

Мен қирқ йилдан зиёд Ўзбекистон Фанлар академиясининг энг обрўли илмий-тадқиқот муассасаси — Тил ва адабиёт институтида ишладим. Бу табаррук илмий даргоҳда халқимизнинг Ойбек, Ҳоди Зариф, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Абдуқодир Ҳайитметов, Шоназар Шоабдураҳмонов, Азим Ҳожиев каби ўнлаб фидойи фарзандлари фаолият кўрсатиб, нафақат собиқ иттифоқ, балки дунёда эътироф этилган тадқиқот ва китобларни яратишган. Шу институт ва номлари тилга олинган алломаларга маслакдош олимлар бўлмаганида, қанчадан-қанча хайрли ишлар амалга оширилмай қолаверарди. Биргина мисол келтирмоқчиман.

Ҳар бир давлатнинг сиёсий, маданий ва мафкуравий қиёфасини унинг ҳақиқий адабиёт ва чинакам ижодкорга муносабатига қараб билиш ё аниқлаш қийин эмас. Мустабид шўро салтанати халқимизнинг ўнлаб мутафаккир, мутасаввиф, ҳурриятчи ижодкорларини ҳар турли туҳмат ва ғоявий уйдирмалар билан бадном қилиб, ўзининг бутун ҳукмронлик даври мобайнида уларнинг китобларини нашр этиб, халққа етказишни тақиқлади. Шундай қаттол замонда ҳам илмни "воситаи жоҳ" этмаган олимларнинг қўллаб-қувватлаши ва холис кўмаги билан "пири Туркистон" (Навоий) Хожа Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат", Сулаймон Боқирғонийнинг "Боқирғон китоби" ва буюк санъаткор Абдулҳамид Чўлпоннинг "Баҳорни соғиндим" шеърий мажмуаси ўқувчиларга етказилиб, муаллифларнинг ҳаёти, ижодиётига бағишлаб институтда кўплаб тадқиқотлар яратилди. Бундай факт ва ҳодисалар кўп, уларни шарҳлашнинг ўзиёқ Тил ва адабиёт институти миллат илм-фани, маданий ҳаёти ва тафаккури тараққиётига нечоғли самарали таъсир қилганини тасаввур этмоқ учун етарли бўлади.

Маълум бир сабабга кўра, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти академия таркибидан ажратилган эди. Ўтган йил ноябрь ойида бир гуруҳ илмий ходимлар институтни яна академияга қайтариш зарурлигини асослаб, Шавкат Мирзиёевга илтимоснома жўнатишди. Унда, жумладан, бундай сўзлар битилган: "Биз Сиздан институтимизнинг ЎзР Фанлар академиясининг институтларидан бири сифатида қайта фаолият бошлашига ёрдам беришингизни илтимос қиламиз. Бу иш ҳақиқатда тарихий хизмат бўлиши, институт тил ва адабиёт мавзуларининг, хусусан, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг кўпқиррали ижодини ғайрат билан ўрганадиган илмий марказ бўлиб қолишига Сизни ишонтирамиз..."

Шу илтимос қондирилиб, илмий жамоамиз истаги рўёбга чиқарилди. Яқинда Ўзбекистон Президентининг "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида"ги тарихий қарорида институтимизга "Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти" номи билан қайта фаолият бошлашга имконият яратилди. Бундай ҳиммат ва олижаноблик юракда шодлик ва миннатдорлик ҳиссиётларини уйғотди.

Тил — миллат руҳининг боқий манбаи, сўз ва тафаккур хазинаси. Фольклор — эл-элатнинг туғма таланти, табиий завқ-шавқи, донолик ва жасоратининг хилма-хил шакллардаги ифодасидир. Ёзма адабиёт эса миллатнинг не-не замонлар доирасидаги қалб мушоҳадаси, кўнгил оламидаги шодлик ва дардларининг тасвирларидир. Булар бир бутун ҳолда халқнинг жаҳон аҳли орасидаги мавқеини тўла намоён этади.

Академик фан — махсус изланиш ва тадқиқотчиликни талаб қиладиган, мустақил ва кенг кўламли тафаккурга асосланган, ҳар қандай саёз, умри қисқа фикр-мулоҳазалардан инсонни ҳимоя этадиган фандир. Унинг натижалари ҳамиша истиқбол ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

Мен ўйлайманки, институтимиз тил, адабиёт, халқ оғзаки ижодиёти мавзуларини тадқиқ этадиган илм ўчоғи сифатида давр талабларига мувофиқ натижа ва ютуқларга эришади.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг бўлим бошлиғи, филология фанлари доктори**

# ТАРАННУМИ



ҳарда қолади. Бойнинг пахта заводи, данғиллама уйлари, қолган-қутган мол-мулки давлат томонидан мусодара қилингач, фақат шаҳар четидаги кичик чорбоғ кенжа хотинига хатлаб берилади. Бекхўжанинг онаси Отин биби саводхон бўлиб, ўғлини билимдон, тадбиркор, сўзамол қилиб тарбиялайди. Бекхўжа мактабга боргач, дунёвий илмларни эгаллашга ҳам зўр иштиёқи борлигини кўрсатади.

Бекхўжа номида беклик, хўжайинлик бўлса-да, унинг ўтмиши "қоронғи". Болалигида уни "сарқит", "пахтачи бой"нинг зурриёди сифатида таҳқирлашган. Мактабда зеҳни ўткир бўлишига қарамай, армони кўп. "Оламда шунақа нарсалар борки, — дейди Бекхўжа Камол Камтарийга, — уларни лабораторияларда ясаб бўлмайди. Кўз ўнгимда қанчадан-қанча жаҳоншумул кашфиётлар қилинди, лекин бирон-бир кашфиётчи менга ота ясаб беролмади. Болалик, ўспиринлик даврим мунғайиш, фарзандини эркалаб турган оталарга ичикиб термулиш билан ўтди. Сен буни тушунасанми, олим?". Эртак-қиссада Бекхўжанинг ёшлигида тарихни севиши, аждодларимиз қаҳрамонликларидан фахрланиши, тарих дарсини ўқимаган, тушунмаган тенгдошларидан ғазабланиши тилга олинади. Хусусан. Муқаннани Торобий билан адаштирган Камолни "калдаварам" дерди.

Аммо Бекхўжа ўн тўрт ёшга етганида тўсатдан шол бўлиб қолади. Шундан кейин Ғани заргар деган тоғаси уни "тарбияси"га олиб, ўз касбини ҳам ўргата бошлайди. Бекхўжанинг бутун тақдири, тафаккури ва ҳаётга бўлган муносабати шундан кейин кескин ўзгаради. У тўрт-беш йилда заргарлик сирларини пухта ўзлаштиради. Унинг шаҳар четидаги осойишта чорбоғи Кўршапалак лақабли машҳур қулфбузар тўдасининг бош маслаҳатхонасига айланади. Бекхўжа қисмати энди шу тўда билан боғлиқ кечади. Пахтачи бой қурдирган сирли ертўлалар ўғирланган мол сақланадиган омбор бўлиб қолади. Ғани заргар яширинча тилла сотаётиб, қўлга тушиб, қамалади. Бекхўжа тоғасини қутқариш чорасини излаб, бир пайтлар мактабда бирга ўқиган, эндиликда техника фанлари номзоди илмий унвонига эга Камол Камтарийга мактуб ёзади...

Камтарий маърифатга интилган олим. У фан-техникага қизиқади, кашфиётлар орқали халқнинг оғирини енгил қилмоқчи бўлади. Аммо жамиятда кечаётган жараёнлар, инсон тақдири, миллат тарихи уни қизиқтирмайди.

Шу тариқа эртак-қиссада заргар, қаллоб, ўғрибоши Бекхўжа билан илм-фан оламида обрў-эътибор топган Камол Камтарийнинг ҳаёт фалсафаси тўқнашади. Болалигида бир хил мақсад — аъло ўқиш, етук инсон бўлишга иштиёқманд дўстлар, турлича тарбия таъсирида қасоскор рақибга айланади.

Бекхўжа пулнинг қудратини исботлаш учун, барча пасткашликларга қўл уради: Камтарийни хотинидан жудо қилади, боласи Холдорни чақалоқлигидаёқ ўғирлайди, эзгу мақсадлар йўлида яратаётган Автоболасини ҳам тортиб олиб, ёвуз режалари бўйича "тарбиялайди". Пулга муносабат масаласида уста заргар ҳамда ҳалол ва камтарин олим ўртасида аёвсиз жанг боради. Камол: "Пул гулдор қоғоз, холос. Илму фан ўтдаям куймайди" деса, Бекхўжа: "Илму фан яратган мўъжизалар пулга сотиб олинади. Пул кучли" дейди.

Ёзувчи асарни шу тариқа реал ҳаёт муаммолари билан тўйинтириб боради.

Қиссадаги Автобола, Пуфак момо, Холдор каби образлар тимсолида эса эрк ва озодлик, ҳур фикрлилик, маънавий фаровонлик, эзгулик ғоялари улуғланган. Пуфак момо ва унинг пахмоқ сочли невараси эшак миниб, кўчама-кўча томоша кўрсатиб юришидаги эркинлик ҳар қандай тилла буюмлару саройдан афзаллигини қафасдаги қуш сингари қамаб қўйилган Автобола ва Холдор беихтиёр англаб етади. Ўзларининг тутқун эканлигини Кўршапалак ва Суперсур суҳбатидан яширинча билиб олган болалар хўжайинларидан озодлик талаб қилиб, ошкора таҳдид бошлайди. Бекхўжа эса "алдагани бола яхши" қабилида иш тутади. Болаларни тилла буюмлар кўргазмасидан олтин дубулғани ўғирлаб келгач, озодликка чиқаришга ваъда беради. Аммо Автобола бу топшириқни бажариши билан "ўлим"га — темир-терсакка айланишга ҳукм этилади. Одамлардан қаттиқ ранжиган Автобола "ўлган"да ҳам кўзлари очиқ қолиб: "Эркимни ҳимоя қилолмас экансан, нега мени яратдинг?" деган саволни тинимсиз такрорлаётганга ўхшарди.

Ҳа, роппа-роса бир аср илгари эл-юрт озодлиги, эрки учун шундай алдам-қалдам ваъдалар берилгани, эзгу-мақсад йўлида тинимсиз саъй-ҳаракат қилган ёш жадидларнинг қатағонга дучор бўлгани ва бу қатағон турли кўринишда яна узоқ йиллар давом этгани замондош ўқувчига тарихдан маълум. Зеро, эртак-қисса ёзилган давр ҳам буни "айтса тил куяди"ган замонлар эди. Шунга қарамай, Анвар Обиджон ўзбек болалар адабиётида биринчилар қаторида темиртан бола тимсолида ўз тутқунлигини англаб етган авлод қисматини ҳикоя қилди.

Автобола темир-терсакка айланишида ёзувчининг ғоявий мақсади аён: эрксиз ва тутқунликда яшаш энди мумкин эмас. Айни пайтда, Автоболанинг нидоси ота-оналарга ҳам қаратилгандек гўё. Ҳар бир боланинг келажагига уларни дунёга келтирган ота-она масъул.

Ушбу тушунчаларнинг моҳияти ҳамон долзарбдир.

**Башорат ЖАМИЛОВА,**
**Бухоро давлат университети доценти**

*Бир ҳовуч дур*

***УЛУҒЛАР ТЕАТР ХУСУСИДА***

*Бир спектаклда ёнимда ўтирган бир томошабин: "Шу одамлар ҳаётда бўлса, биронтаси билан гаплашмас эдим", деди. Оддий томошабиннинг бу сўзида чуқур маъно бор. Бу — адабиётимизнинг ўзак масаласига доир гап.*

*Саҳнада юрган, гапираётган, танқидчилар айтмоқчи, "тўқнашувларда характери очилаётган" одамларнинг кўпи ижобий образлар. Спектаклга ёзилган тақризда ҳам шу нарса қайд қилиниб: "Спектакль қатор камчиликлари бўлишига қарамасдан, ўзининг ижобий ролини ўйнайди" дейилади.*

*Бу ҳам тўғри. Лекин ўзи нима гап, сахт-сумбати, лаб-даҳани жойида, ижобий хислатлари етарли бўлган ижобий образлар нима учун томошабинни мафтун қилмайди, нима учун унинг жозибаси, меҳригиёси йўқ?..*

**Абдулла ҚАҲҲОР**
*("Образ ижод демакдир" мақоласидан)*

* * *

*— Сизга театр ёқадими, киноми? — деди мухбир.*

*— Сизга одам ёқадими ё унинг сояси? — деди адиб.*

*— ...Баъзи одамлар бўладики, ўзидан сояси тузук, — деб ҳазил қилди мухбир ҳам.*

*Кулдилар.*

**Асқад МУХТОР**
("Тундаликлар"дан)

**27 МАРТ — ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ**

Театр – бу тарбия, ибрат, мўъжизалар маскани.

Буюк маърифатпарвар адиб, аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомизнинг санъатнинг ўлмас турига нисбатан билдирган таърифу таснифлари ҳеч қачон долзарблигини йўқотмаслиги табиий.

# Каттақўрғон саҳнасида

Чунки, саҳналаштирилган бадиий асарда кўтарилган мавзу томошабинни мулоҳаза юритишга ундайди, айрим иллатларнинг илдизини очади, томошабин асардаги ҳолатларни кузатиш асносида ўзи, яқинлари, таниш ва нотаниш инсонларнинг хатти-ҳаракати, сўзи ва амали, ютуғи ва камчиликларига холис баҳо беради, ҳаётдан тўғри хулоса чиқаради.



Шу боис юртимизда миллий маданиятимизнинг муҳим соҳаси ҳисобланмиш театр санъатини ривожлантириш, мазкур соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, истеъдодли, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласига ҳукумат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Пировардида республикамиздаги, шу жумладан, чекка-чекка ҳудудларимиздаги театрларимизнинг репертуарлари янада бойимоқда, миллий ва умумхалқ қадриятлар тараннум этилаётган дурдона асарлар саҳна юзини кўрмоқда.

Қадимдан ўз анъаналарига эга бўлган Каттақўрғон драма театри ҳам томошабинни ўйлашга, ёвузлик, жаҳолат, илмсизлик ва адолатсизликка қарши курашишга қаратилган асарларни саҳналаштириб келмоқда.

Кези келганда таъкидлаш лозим, ўтган йили мазкур театр ташкил топганига 95 йил тўлди. 2016 йил давомида У.Шекспирнинг "Ромео ва Жулетта", У.Азимнинг "Бир қадам йўл", Т.Юнуснинг "Нисо холанинг ҳисоби", Ш.Ризаевнинг "Она", Т.Маликнинг "Заҳарли томчилар", Н.Қобулнинг "Тўда" каби асарлари асосида ўнлаб спектакллар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Қолаверса, ўтган йили театрнинг биносида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, янги кўриниш олди. Натижада театр биносининг олд қисми, фойеси, томоша зали, саҳна қисми, иситиш тизимлари, саҳна қурилмалари, ёритиш, овоз кучайтириш мосламалари тўлиқ янгиланди. Замонавий гардероб ва буфет ишга туширилди. Бундан ташқари, миллий театр санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган санъаткорлар меҳнати муносиб эътироф этилди. Хусусан, театр артисти Гулбаҳор Мамедова "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

— Халқимизни, айниқса, ёш авлодни ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир асарларидан баҳраманд этиш, турли мавзу ва жанрлардаги спектакллар орқали улар маънавиятини бойитишда театр соҳасининг аҳамияти катта, — дейди театр директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Даврон Қодиров. — Соҳа ривожланишига қаратилаётган эътибордан биз ҳам бебаҳра қолмаяпмиз. Театримиз биноси капитал таъмирланиши, жамоамиз меҳнати юксак даражада эътироф этилганидан беҳад мамнунмиз. Ўтган йилги фаолиятимизни 2017 йилда янада жонлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Жумладан, Наврўз айёми арафасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси, ёш драматург Сардор Ҳамроев қаламига мансуб "Оқпадар" асари асосида театримизнинг бош режиссёри Ҳабиб Абдуллаев томонидан саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди. Ж.Аҳматов, Р.Ниёзов, Т.Халилов, Н.Салимов, У.Тиллаев, Қ.Расулов сингари ёш актёрлар жамоасининг моҳирона ижроси спектаклнинг муваффақиятли чиқишига сабаб бўлди.

"Оқпадар" спектаклида дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу четларида ислом динини ниқоб қилиб олган бузғунчи оқимлар тарғиботчилари ҳали онги шаклланмаган ёшларнинг фикрини чалғитиб, ўз томонларига оғдириб олишлари жараёни очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Улар киши онги ва қалбини эгаллаш, ёш авлод дунёқарашига ғоявий таъсир ўтказиш йўлида компьютер, электрон почта, интернет сингари замонавий воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Ёшлар онгига гўёки улар яшаётган жамият "адолатсиз", "диндан узоқлашган" эканлиги чалғитувчи сўзлар ёрдамида "сингдирилади".

"Оқпадар" спектаклининг қаҳрамонлари ана шундай мафкуравий хуружга нисбатан қандай жавоб беради? Уларнинг асл мақсадини қай тарзда ва қачон илғай олади? Умуман, ёшларимиз диний ақидапарастларнинг найрангига учмаслиги учун катталар нималарга эътибор қаратиши лозим? Шу каби саволлар "Оқпадар" спектакли томошабинларини яна бир бор ўйлантириши муқаррар.

**А.МАМАСОДИҚОВ**

# НАМАНГАНДА НАВРЎЗ САЙЛИ

Бошланиши 1-бетда

Ангрендан ўтгач, анча ергача сизни суви сокин жимирлаб турган узун денгиз, нигоҳларни қувонтирувчи арчаю тераклар, турфа мевали-мевасиз дарахтлар, қорли-виқорли тоғлар, ёнбағирлардаги ува-қишлоқлар, майса-гиёҳ еяётган қўй-қўзилар, иши-ташвиши билан юрган одамларни вагон ойнасидан кузатиб Қамчиқ довонига етганингизни билмай қоласиз. Куч-қудратимизга ишонч ҳосил қилай, қойил қолай деганлар ғаройиб темир йўлларимиз, аломат кўприкларимиз, афсонавий тоннелларимизни ҳам кўришсин, ҳавас қилишсин.

Поп бекатига тушдик. Машраб юртига борар бўлганларни йўқлагувчи, кутиб олувчи, кузатиб қолгувчи, бойлиги, саховатини кўрсатгувчи инсонлар бисёрлигидан кўнгли тўқ бўлсин.

Келишини орзиқиб, ҳар кунимиз қадрли, қут-баракали бўлишини орзу қилиб кутадиганимиз Наврўз бор сепини ёйиш, ўзлигини тўкис кўрсатиш баробарида миллий қадриятларимизни ҳар қачонгидан ҳам тўлиқ намоён қилишга имкон берди, бу қадриятлар: бағрикенглик, аҳиллик, меҳр-мурувват, меҳмондўстлик, пазандалик, ҳунармандлик, қиш бўйи соғинтирган азиз замин билан тиллашиш, гул, кўчат қадаш, кексаларни эъзозлаш, болаларни ардоқлаш, ашула, ўйин, шеър, мулоқот завқи ва ҳоказо.

Илк учрашувимиз, мулоқотимизни Наманган туманидан, юрт ҳимоячилари хизмат қилаётган ҳарбий қисмдан бошладик. Аскар йигитларимиз сўзларни, шеърларни қизиқиб тинглашди, Республикада хизмат кўрсатган артист Муножот Тешабоева ашулаларини мириқиб эшитди, ўйинга ҳам тушди, китоб, санъатга меҳр қўйишлари, анча нарса билишлари, ҳозиржавобликлари аён бўлди. Педагогика ва сервис коллежи ўқувчиларининг аксарияти шеър, рақсга иштиёқмандлигига, 1-курсда таҳсил олаётган Дилфуза Исоқованинг мардонавор рақс тушишига, 35 нафар қизнинг ўзлари тиккан ранг-оранг, гўзал миллий кийимларда ҳовли саҳнини айланганларини кўриб қойил қолдик. Майдони 7 гектар коллеж директори Тугма Сиддиқова лимонзорлар, анжирзорлар, гулзорлар, олма, ўрик, бодом дарахтларини, спорт майдони, залларини бирма-бир кўрсатиб, ўқувчилар бўш вақтларида меҳнат, спорт билан ҳам шуғулланишларини гапириб берди.

Санъат билимдони Нуриддин Аминжоновнинг даъвати билан бастакор Саидхўжа Холдорхўжаевни кўргани бордик. Саксон тўрт ёшга кириб, минг ойни кўрган, ҳали ҳам тетик отахон ташрифимиздан кўп хурсанд бўлди. Бу инсоннинг ҳаёти ибратли, ҳикоялари мароқли: "Биз ака-укага Аллоҳ овоздан берган эканми, ҳали боғчадалигимизда раисимиз далада ишлаётганларнинг кўнглини кўтариш учун бизни обориб ашула айттирардилар, уруш вақти, қийинчилик, ҳамманинг дарди ичидамасми, мурғак овозимизни эшитиб хотинлар юм-юм йиғларди. Олтинчи синфда устозим Аъзамхон аканинг олдига борганимда, чиройли бир китоб тутқазгани ёдимда. Ҳарфлари нотаниш, кейин билсам, кирилл алифбосида экан, зеҳнинг яхши, қунт қилсанг тезда ўрганиб оласан, дедилар. Бир неча кун уриниб, ҳижжалаб ўқийдиган бўлдим. Илк дуч келган мисра "Жунун водийсида мойил кўрарман ёри зоримни" бўлди, Навоий ғазали экан, дарров ёд олдим, куйи ҳам дарҳол келди. Икки кун ўтгач, "Эрмиш" ғазалини ўқидим, ўзига ром қилди, куйи ҳам қуйилиб келди. Бир суҳбатда "Ўғлинг келур", "Дилраболар" ашулаларини айтганимда, Жўрахон Султонов давра аҳлига "Қани, қўлларингни очинглар, шу йигитга омад тилайлик" деб узоқ дуо қилдилар, у киши оқ йўл тилаганда, менинг кўзимдан ёш тўхтамади. Бу туғма истеъдод соҳиби 200 дан ортиқ куй басталаган экан-у, нотага солмаган, ўзи айтганлари тарқаб, қолганлари бошқаларники бўлиб кетган экан. "Қўқондаги бир ўтиришда айтган "Ўхшайди-ку" ашулам Таваккал Қодировнинг қулоғига қаттиқ ўрнашган эканми, қўшиб айтиб кетди, Расул қори менга ҳам бир ашула қилиб берсангиз, деганди ўшанда. Камолиддин Раҳимов, Ҳабиба Охуновага, Ўринбой Нуралиевга анча куй қилиб берганман, бир куни Ҳайитбой Азимовнинг "Кутарман зор..." ғазалини фортепьианода чалиб айтгандим, Камолиддин бир кунда ўрганиб олди".

Нуриддин Аминжоновни ТошДУ журналистика факультети талабалигидан биламан. Радиода қирқ йилдан ортиқ ишлаб, вилоят, туманларда юриб 15000 тача овозни ёзиб эфирга узатди, ҳозирда халқ артисти, халқ ҳофизи, хизмат кўрсатган артистларнинг овозини илк бор у ёзиб олган, шеърга ихлоси, "дағдағаси" кучайиб яхшигина ашъор бита, матбуотда, эфир, экранда тез-тез кўрина, тўпламлар чиқара бошлади, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлди, ўтган йили республикада хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига муносиб кўрилди. Шогирдимиз, ҳамкасбимиз фазилатларидан бири, айниқса маъқул: кимдир бир ашуланинг оҳангини бузиб ё сўзини ўзгартириб айтганини эшитса, хафа бўлади, орияти келади, айрим номдор санъаткорларнинг ширали овозига маҳлиё бўлиб матнни бузиб айтганига, бировларнинг куйи, ашуласини ўзиники қилиб олганига, фонограммадан воз кечолмаётганига хафа бўлиб кетаман, дейди куйиниб.

Наманган, Чортоқ, Тўрақўрғон туманлари стадионларида байрам нишонланганини кўриб, халқимиз меҳнатни ҳам, сайл қилишни, ўйин-кулгини ҳам ўрнига қўйишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Умумий манзара: дошқозонларда сумалак, ҳалим тайёрланган, столлар, хонтахталарга беҳисоб тансиқ таомлар, кўк сом-саю чучвара, шифобахш кўкатлар тортилган, отахон, онахонлар алоҳида иззатда, осмонда болалар учирган варраклар, рангин шарлар, бир томонда курашчилар, дор устидаги йигит, унинг елкасига миниб олган уч яшар болакайнинг чаққон ҳаракатларига ҳайратланиб, жиндай хавотир олиб қарайсан.

Чортоқдаги байрамни бир муддат таниқли шоир Зиёвуддин Мансур чиройли бошқариб борди. Наманганлик икки дилбар шоира — Дилбар Ҳайдарова, Дилбарбону Ҳайдаровалар басма-басига шеър айтиб, бир неча минг кишилик аудиторияни беҳад қувонтирди.

"Нуроний" жамғармаси вилоят кенгаши раиси Икромхон Нажмиддинов ногиронлар йиғинига бошлаб борди, бир пиёла чой устида қисқа, эсда қоларли суҳбат бўлди, бир қўли йўқ, бир оёғи протез, лекин ҳаётсевар, оптимист, юзлари порлаб, кўзлари чақнаб турган, олтмиш уч ёшли Жўрахон Ракибовнинг фаоллиги, фидойилигига таҳсин ўқидик, бу инсон йилда вилоят ногиронларини тўрт марта тўплаб дастурхон тузар, ҳомийлар топиб совғалар улашар, ўксик кўнгилларни кўтарар экан. Нуронийлар йиғинида Аҳмаджон Мелибоев мазмундор маъруза қилди, қизғин савол-жавоблар бўлди, бироз ўтгач, шу ерда ҳозир бўлган вилоят журналистларининг бир қисми билан масс-медиа муаммолари, маҳорат масалалари бўйича суҳбат қурдик, бир пайтлар ТошДУ, ЎзДЖТУ журналистика факультетларида таҳсил олган, ҳозир вилоят ҳаётини, турли тадбирларни, жумладан, Наврўз байрамини ёритишда иштирок этаётган ҳамкасбларимиз сўзларини тингладик.

Кўпдан бери билган одамларни сафарда янада яхшироқ биларкансан, янги қирраларини кашф қиларкансан. Қирқ саккиз йил муқаддам ТошДУ журналистика факультетида тил ва адабиёт фанидан кириш имтиҳони олаяпмиз. Бўйдор, қарашлари ўткир, бошқалардан тўрт-беш ёш катта йигитнинг сўзлари бурро, жавоблари мукаммал бўлди, шеригим билан якдил 5 баҳо қўйдик, сиздан ўткир журналист, зўр муҳаррир чиқади, деб юборибман қувонганимдан, кейин билсак, у Бойқўнғирда ҳарбий хизматни ўтаган, машҳур Королевни, космонавт Береговойни, публицист Головановни кўрган, кўп ўқиган, матбуотга хат-хабарлар юбориб турган Аҳмаджон Мелибоев бўлиб чиқди. Бугунги кунда 15 та китоб, саноқсиз мақолалар муаллифи, таниқли ижодкор. "Яхши гапга фаришталар омин дер экан", дейди ўзи ҳам ўша кезларни эслаб. Наманганда у танимайдиган, уни танимайдиган ижодкор йўқ экан, десам ишонинг.

Мунаввара Усмонова хушмуомала, назокатли аёл. Ҳар сафар Ёзувчилар уюшмасига борганимизда, тавозе билан самимий кутиб олади, бир пиёла чой тутиб соғлигингиз, оилангиз, ижодингизни сўрайди, кўнглингиз чоғ бўлади. Мунавваранинг шеър ўқиши ҳам, сўз айтиши ҳам ёқимли, тотимли. У мулойим, ёқимли овоз билан, ҳаётий мисоллар келтириб гапиради, ўн икки фарзанд кўришган ота-онаси бағрида ўн ака-ука орасида икки қиз эрка ҳам интизомли бўлиб ўсгани, дадаси, ойисини бениҳоя ҳурмат қилгани, шеърлар бағишлагани, улар ҳам қизларини еру кўкка ишонмай яхши кўришлари, соғиниб яшашларини шундай самимий ҳикоя қиладики, бу эшитганларга, айниқса, ёшларга қаттиқ таъсир қилади, сўзлари катта тарбиявий аҳамият касб этади. Гуруҳимиз аъзоси, Глиер номли мусиқий билим юрти ўқитувчиси, дурустгина шеърлар ёзувчи, асли тўрақўрғонлик Ғофуржон Тожибоев сафар ниҳоясида Чустни кўрмай, мазаси бетакрор ошини емай кетманглар, дея сидқидилдан меҳмонга таклиф қилди, гавжум боғда икки-уч соат дам олдик. Тарғибот гуруҳимизни кутиб олган, кузатиб қўйган, ишни ташкил қилиб берган вилоят маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи, камтар инсон Сайфиддин Муҳитдинов бўлди.



Бугунги Наманган, унинг бетакрор, гўзал қиёфаси, кенг, обод кўчалари, муҳташам иморатлари, меҳнатсевар, қадри обод одамлари ҳар қанча таърифланса оз.

**Сайди УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи**

## ЛАТИФ СЎЗЛАР



Халқимиз кулги, табассумни яхши кўради. Шунинг учундир, самимий, юракдан гапирадиган, ҳазил-мутойибага мойил кишиларни ҳурмат қилишади. Бақириб, оламни бузиб айтилган бир дунё гапдан закийлик билан айтилган битта сўзни афзал билишади. Кимдир қопиб, кимдир топиб айтади, деган гап шундан келиб чиққан.

Жулқунбой, Норин шилпиқ, Индамасларнинг матбуотда босиладиган ҳажвий-танқидий асарларини, Муҳиддин қизиқ, Рустам қизиқ, Ҳожибой қизиқларнинг чиқишларини нега ҳамма орзиқиб кутган? Чунки улар ҳақиқатни латиф бир услубда, эшитган қулоқ, кўрган кўзга малол етказмайдиган тарзда айта олганлар. Янги — "Латиф сўзлар" рукнида кулги дарғаларининг асарларидан бериб боришни ният қилдик. Бугун машҳур сўз устаси Муҳиддин қизиқ Дарвешов (1936 — 1995) ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавол этаяпмиз.

# Муҳиддин Қизиқ ҳажвиялари

### ТЕЗЛАШТИРИШ

*Жуда катта қурилиш бўлаётган жойга комиссия келибди. Муҳандис у ёққа, ишбоши — прораб бу ёққа ҳаллослаб чопармиш. Етти-саккиз қурувчи эса қуруқ замбилғалтакни шалдиратиб, у ёқдан-бу ёққа ғилдиратармиш. Комиссия аъзолари ҳайрон бўлишиб, қурилиш бошлиғидан сўрашибди:*

*— Нима иш бўлаяпти ўзи?*

*— Қурилишда қайта қуришни жадаллаштираяпмиз, — деб жавоб берибди бошлиқ.*

*— Замбилғалтакларда юк йўқ-ку?!*

*— Ишларни тезлаштирганимиз учун юкларни ортишга ҳам вақт етишмаяпти-да!*

### НАВРЎЗ КУНИ

*Байрам арафасида бошлиқ барча милиционерларни йиғиб, уларга уқдирибди:*

*— Эртага Наврўз байрами. Ҳамма хушмуомала бўлиши керак!*

*Эртаси куни автобус бекатида гавдали бир милиционер турганда кимдир қаттиқ акса урди.*

*— Ким акса урди?! — жиддий оҳангда сўради милиционер. Ҳеч ким индамади. Акса урган бир онахон экан, у "Апшириш мумкин эмас экан-да бекатда" деб ўйлаб, тескари қараб тураверди.*

*— Ким акса урди деяпман!*

*Яна ҳеч ким индамади. Бекатдагилар елка қисишиб, милиционерга ҳайрон ҳолда тикилишарди. Шунда ҳалиги онахон, айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди, деб милиционерга ўнг қаради:*

*— Ўғлим, мен билмай...*

*— Соғ бўлинг, онахон! — деди милиционер зўрма-зўраки илжайган ҳолда честь бериб.*

*— Соғ бўлинг! Наврўзингиз қутлуғ бўлсин!*

### АФАНДИ ВА ИҒВОГАР

*Бир одам иғвогарлиги туфайли қишлоқда отнинг қашқасидек бўлган экан. Кўчада кетаётган Афандининг қаршисидан ўша иғвогар чиқиб қолибди. Шунда Афандининг эшаги кетма-кет ҳанграб юборибди. Ҳалиги иғвогар Афандига дебди:*

*— Бу қанақаси, айтиб қўйсангиз бўлмайдими? Менинг ёнимда ҳанграйдими?*

*— Биродар, — дебди Афанди, — бу эшак бўлса, бунинг тилига сиз тушунмасангиз, мен тушунмайман.*

*Шу пайт эшак бошини қаттиқ силкиб, ҳалиги одамнинг башарасига сўлагини сачратибди.*

*— Айтиб қўйинг, унинг устидан ёзиб, таъзирини бераман!*

*— Э-э, тушунарли, — дебди Афанди, — мен эмас, ўзингиз айтинг, унинг тилига сиз тушунаркансиз. Эшак ҳар ҳолда эшак-да!*

(Ҳажвиялар "Кулги дарғалари" китобидан олинди).

ТАДБИРКОРЛИККА ҚАДАМ «АСАКА» БАНК БИЛАН!
БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН 20 ДАН ОРТИҚ ЙЎНАЛИШЛАРГА МИКРОКРЕДИТЛАР
ASAKA BANK
ЧОРВАЧИЛИК
ҚУЁНЧИЛИК
ПАРРАНДАЧИЛИК
УЗУМЧИЛИК
САБЗАВОТЧИЛИК
БОҒДОРЧИЛИК
ИХЧАМ ИССИҚХОНА
АСАЛАРИЧИЛИК
НОНВОЙХОНА
ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
МИЛЛИЙ ШИРИНЛИКЛАР
БАЛИҚЧИЛИК
ҲУНАРМАНДЧИЛИК
КАСАНАЧИЛИК
МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
АВТОМОБИЛЛАРНИ ЮВИШ ШАХОБЧАЛАРИ
АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТЛАР
ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ
КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТЛАРИ
ТИКУВЧИЛИК
ПОЙАБЗАЛ ТУЗАТИШ
САРТАРОШХОНА ВА ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ
КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ ХИЗМАТИ
(+99871) 120 13 51, 120 26 37, 120 26 40
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган
«АСАКА» БАНК – ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ!
Reklama

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 4880 Буюртма — S-8605 1 2 3 4 5
*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*
**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Топшириш вақти** — 20:00 **Топширилди** — 18:00
ISSN 2010-7528
*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*
**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Тоҳир Шомуродов
**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**